ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 35

2026 йил 31 август - 5 сентябрь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ БЎЛИМ

878. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг ўринбосари-Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси лавозимини киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 сентябрдаги ПФ-186-сон Фармони

879. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 майдаги «Тўловга қобилиятсизлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-172-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарори

880. «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига янгича ишлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 сентябрдаги ПҚ-314-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

881. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон аккредитация маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 460-сон қарори

882. «Ижтимоий ҳимоя соҳасида юқори малакали мутахассислар корпусини шакллантириш, шунингдек, уларнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 461-сон қарори

883. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 462-сон қарори

884. ««Энг инновацион ғоя» республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 463-сон қарори

885. «Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 464-сон қарори

886. «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 466-сон қарори

887. «Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 467-сон қарори

888. «Ўзбекистон Республикасида экскурсия хизматларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 4 сентябрдаги 468-сон қарори

889. «Географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғаларининг шаклларини ва тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 5 сентябрдаги 469-сон қарори

890. ««Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 5 сентябрдаги 471-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

891. “«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматчилари пул таъминотининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкида очилган омонат ҳисобварақларига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2767-1-сон)*

892. “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3581-2-son)*

893. ““Qiyoslashdan o‘tkazilishi lozim bo‘lgan o‘lchash vositalari turkumlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 4-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3606-1-son)*

894. “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3932-сон)*

895. “O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 5-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3934-son)*



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/186/0901-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
878-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «__5__» __сентябрь__ __ПФ–186__-son

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг ўринбосари – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси лавозимини киритиш тўғрисида

Маҳалла институтининг жамиятдаги нуфузи ва ролини кучайтириш ҳамда соҳадаги бошқаруви самарадорлигини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси** лавозими киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 августдаги ПФ–133-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

(а) “Бош вазирнинг ўринбосари – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси” блоки билан тўлдирилсин;

(б) изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бошқарув ходимлари сони – 235 нафар”.

3. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/306/0884-son
03.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 2 » сентябрь № ПҚ–306

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 майдаги “Тўловга қобилиятсизлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–172-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тўловга қобилиятсизлик ишлари агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 майдаги “Тўловга қобилиятсизлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–172-сон қарорининг 3-банди “б” кичик бандидаги “директор” сўзи “адлия вазири ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тўловга қобилиятсизлик ишлари агентлиги директори” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/314/0888-son
05.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 4 » сентябрь №ПҚ–314

Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига янгича ишлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини самарали таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ишончли ҳимоя қилиш учун ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига янгича ишлаш тизимини жорий этиш орқали уни янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг (кейинги ўринларда – профилактика инспекторлари) маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлашдаги ролини оширган ҳолда, **аҳолининг давлат томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга нисбатан ишончига эришиш**;

(б) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пробация фаолиятини янгича узвий ҳамкорлик механизмлари асосида такомиллаштириш орқали **жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини трансформация** қилиш;

(в) жамоат жойлари, маҳаллалар ва хонадонларда хавфсиз муҳитни яратиш ҳамда улардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва ноқонуний ҳолатларга **тезкорлик билан муносабат билдириш** бўйича янгича ишлаш механизмларини йўлга қўйиш.

2. Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг фаолияти қуйидаги **устувор ишлаш механизмлари асосида яхлит тизим сифатида ташкил этилсин**:

(а) хизмат йўналиши ва **хизмат ўташ ҳудудидан қатъий назар** фуқароларнинг мурожаатлари ва хабарларига тезкорлик билан муносабат билдириш;

(б) аҳоли билан **бевосита яқиндан ва очиқ мулоқотга киришиш** ҳамда уларнинг ҳуқуқбузарликка сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш;

(в) бевосита жойларнинг ўзида ҳуқуқбузарликларни содир этиш **сабаб ва омилларини барвақт аниқлаш ва бартараф қилиш,** хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан кунлик асосда манзилли профилактик ишларни йўлга қўйиш.

II. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мавқеини ва хизмат масъулиятини ошириш

3. Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

(а) профилактика инспекторининг мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, хизматни ўташни ташкил этиш, фаолиятини бошқариш ва баҳолаш тартибларини, шунингдек, асосий кафолатларини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг "**Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида**"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш;

(б) профилактика инспекторининг хизмат вазифаларини бажаришига **тўсқинлик** қилганлик учун **маъмурий жавобгарликни** белгилаш;

(в) профилактика инспекторларига қуйидаги **қўшимча ваколатларни** бериш:

(i) кўриб чиқиш ваколати доирасидаги биринчи маротаба содир этилаётган **17 турдаги** кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича **маъмурий огоҳлантириш** жазосини қўллаш;

(ii) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида маҳалла кўчалари ва йўлакларида **йўл ҳаракати қоидалари бузилиши** билан боғлиқ **4 турдаги** маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш;

(iii) туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи ёки **унинг ўринбосарларининг** ваколатидаги **9 турдаги** маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш.

4. Маҳаллаларда **хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш** ва **аҳоли билан яқиндан ишлаш** бўйича **ҳуқуқбузарликлар профилактикасини** манзилли ташкил этишда шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) профилактика инспектори касбий фаолиятининг устувор мақсади унга нисбатан **аҳоли ишончининг юқори даражасига эришиш** ҳамда хизмат жойида **жиноятчиликни жиловлаш** этиб белгиланади;

(б) профилактика инспекторларига уларнинг касбий фаолиятига доир **вазифалардан ташқари қўшимча вазифалар белгиланиши,** шунингдек, **бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиқ бўлмаган бошқа раҳбарлар** томонидан топшириқ ва кўрсатмалар **берилишига йўл қўйилмайди**;

(в) аҳоли томонидан овоз бериш тартибида профилактика инспекторининг касбий фаолиятига нисбатан **“ишончсизлик ташаббуси”ни** билдириш тизими жорий этилади ҳамда натижада унга нисбатан ички ишлар органлари хизматидан **бўшатишгача бўлган жазо чораси** қўлланилишига асослар яратилади;

(г) судлар томонидан профилактика инспекторларининг электрон шаклда юритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлари бўйича заруратсиз **қўшимча равишда қоғоз шаклидаги ҳужжатларни талаб этишга** оид амалиёт **бекор қилинади**;

(д)тегишлича суриштирув ёки тергов органлари зиммасига тўлиқ масъулият юклатилиши таъминланган ҳолда, профилактика инспекторлари томонидан **жиноят аломатлари яққол кўриниб турган** ҳодисаларга оид ариза, хабарлар ва бошқа маълумотларнинг кўриб чиқилиши ҳамда терговга қадар текширув ўтказилиши **тақиқланади**;

(ж) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлиб, **пенсияга чиққан профилактика инспекторларини**, уларнинг розилиги билан, **ўзи яшаётган маҳалласи** ҳудудидаги профилактика инспекторларига мураббийлик қилиш ҳамда касбий фаолиятига кўмаклашишга жалб этишга рухсат берилади;

(з) маҳалла, таълим муассасалари, бозорлар, савдо комплекслари ва бошқа белгиланган объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга **қўшимча жалб этилаётган** ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг мазкур йўналишдаги ҳаракатлари ушбу хизмат жойидаги **профилактика инспектори томонидан мувофиқлаштирилади**, бундан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган алоҳида ҳолатлар мустасно.

5. Белгилансинки, профилактика инспекторининг хизмат жойидаги **касбий фаолияти натижадорлигини баҳолаш** қуйидаги устувор мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

(а) аҳолининг профилактика инспекторига **ишончи даражаси**;

(б) хавф гуруҳига кирувчи шахслар томонидан (аҳолининг ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил тоифаси) ёки уларга нисбатан (ҳуқуқбузарликдан жабрланиш хавфи бўлган тоифаси) **жиноят содир этилиши даражаси**;

(в) шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни **қайта содир этиш даражаси**.

III. Профилактика инспектори фаолиятини рақамлаштириш

6. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2027 йил 1 августга** қадар профилактика инспекторларининг фаолиятига **ишлашнинг рақамли механизмларини кенг татбиқ қилиш** мақсадида қуйидагиларни жорий этиш чораларини кўрсин:

(а) профилактика инспекторларининг ўз касбий фаолиятини самарали амалга оширишга ҳамда электрон маконда ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга мўлжалланган **ягона ахборот тизимини** яратиш ҳамда ундан барча профилактика инспекторлари томонидан кунлик асосда фойдаланишни йўлга қўйиш;

(б) профилактика инспекторлари томонидан хизмат жойидаги **хавф гуруҳига кирувчи шахслар** рўйхатини юритиш ҳамда улар билан **якка тартибдаги профилактик тадбирларни** ўтказиш фаолиятини ягона ахборот тизими орқали қайд этиб бориш;

(в) аҳолига **“Менинг инспекторим” мобил иловаси** орқали профилактика инспекторига **реал вақт режимида онлайн ариза, шикоят ва хабар юбориш** ҳамда унинг фаолиятини баҳолаш имкониятини яратиш. Бунда:

(i) профилактика инспекторига мобил илова орқали реал вақт режимида юборилган ариза, шикоят ва хабарлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

(ii) мобил илова орқали юборилган ариза, шикоят ва хабарларга **зудлик билан муносабат билдирилмаган тақдирда**, улар автоматик равишда **“112” тизимига** ўтказилади ва кўриб чиқилиши мажбурий ҳисобланади;

(г) профилактика инспекторларининг ички ишлар органларидаги хизматини **кунлик** ташкил этиш бўйича йиғилиш ва йўриқномаларни, қоида тариқасида, **масофавий тартибда ўтказиш тизимини** йўлга қўйиш;

(д) Бош прокуратура ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ахборот тизими орқали **электрон шаклда суд-тиббий экспертизасини тайинлаш ва экспертиза хулосасини** олиш имкониятини яратиш;

(ж) **мустақил таълим** шаклида **масофавий ўқитиш** усуллари орқали профилактика инспекторларининг касбий билим даражасини ошириб бориш тартибини жорий этиш.

IV. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш

7. Белгилансинки, жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида **2026 йил 1 ноябрдан** бошлаб:

(а) патруллик йўналишида бўлган ички ишлар органлари патруль-пост ва қўриқлаш хизматлари нарядлари томонидан “112” тизими орқали келиб тушган, нафақат жамоат жойларида, балки **аҳоли яшаш хонадонларида** содир этилган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар бўйича ҳам **тезкорлик билан етиб бориш** амалиёти йўлга қўйилади;

(б) жамоат тартибини сақлашга жалб этиладиган куч ва воситалардан комплекс фойдаланиш ва бошқариш режаси асосида патруллик йўналишлари **маҳаллалардаги ички кўчаларни ҳам қамраб олади**;

(в) 24/7 режимдаги гастрономик кўчаларда жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органлари ва ҳудудий ҳокимликлар ўртасида тузиладиган **шартнома асосида** патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

(г) оммавий тадбирларда жамоат тартибини бузган шахсларга нисбатан келгуси оммавий тадбирларга **киришига вақтинча чеклов қўйилади**.

8. "Ҳар хил вазифалар – ягона ваколат" тамойили асосида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қуйидаги айрим функция ва ваколатлар ички ишлар органларининг **патруль-пост** ҳамда **қўриқлаш хизматларига** ҳам берилади:

(i) йўналишдаги чорраҳалар, бозорлар, йирик савдо мажмуалари, таълим муассасалари атрофлари ҳамда марказий кўчаларида юзага келадиган **тирбандликларни бартараф этиш**;

(ii) йўлларда содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга **дарҳол муносабат билдириш**, уларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

(б) жамоат тартибини сақлашга доир қуйидаги айрим функция ва ваколатлар ички ишлар органларининг **йўл-патруль хизматига** ҳам берилади:

(i) кўча ва жамоат жойларида содир этиладиган **жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш,** уларни содир этаётган шахсларни **таъқиб қилиш, ушлаш** ҳамда ички ишлар органларига **олиб бориш**;

(ii) белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш ҳамда жамоат жойида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни **кўриб чиқиш** ва **маъмурий жазо қўллаш**.

9. Белгилансинки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида **рақамли технологиялар қамровини янада кенгайтириш** мақсадида **2026 йил якунига қадар геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда авария** ва **қоидабузарликлар ўчоқлари** ҳамда **хавфли йўл қисмлари** ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва визуал кўриш имкониятини берувчи **"ягона электрон харита"** яратилади.

V. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш

10. Ички ишлар органлари ҳотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог ва олий таълим ташкилотларидаги профилактика инспектори лавозимлари тегишинча **хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспектори, вояга етмаганлар масалалари бўйича профилактика инспектори** ва **ёшлар масалалари бўйича профилактика инспектори** этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда улар зиммасига мазкур тоифадаги **хавф гуруҳига кирувчи шахслар** томонидан ёки уларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш бўйича жойларда профилактик чораларни кўриш вазифаси юклансин.

11. Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилган 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар Ёшлар ишлари агентлиги реестрига киритилган тақдирда уларга "Ёшлар дафтари" тизимида мавжуд ижтимоий хизматлар кўрсатилиши таъминлансин.

12. 2027 йил 1 мартга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида талабалар билан манзилли ишлаш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган **"Хавфсиз даргоҳ – хавфсиз талаба" ахборот тизимини** ишлаб чиқсин ва синов тариқасида пойтахтдаги йирик олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда, ушбу ахборот тизими фаолиятини ташкил этиш Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, "Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази" давлат муассасаси маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Ички ишлар вазирлиги (Т.Исмаилов, Д.Саттаров, З.Курбанов):

(а) 2026 йил якунига қадар ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI) мезонларини **"Аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим"** тамойили асосида қайта кўриб чиқсин;

(б) уч ой муддатда ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари хизмат фаолиятини **“Ҳар хил вазифалар – ягона ваколат”** тизими асосида босқичма-босқич ташкил этиш чораларини кўрсин;

(в) 2026 йил 1 декабрга қадар хизматни ўташ хусусиятларидан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари учун **ёши, антропометрик кўрсаткичлари, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги** бўйича алоҳида мезонларни, шунингдек, лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини яратишда **касб стандартлари**, шу жумладан **психологик бардошлилик, соғлиғи** ва **касбий билимларга нисбатан намунавий талабларни** ишлаб чиқсин ҳамда қўлланишини **2027 йил 1 сентябрга қадар** Тошкент шаҳар, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида синовдан ўтказсин;

(г) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 августга қадар профилактика инспекторларининг ахборот тизими**ни яратсин, унга тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилсин ҳамда амалиётга тўлақонли жорий этсин;

(д) 2027 йил 1 августга қадар **бошқа ҳудудларда** содир этилган жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан **ҳуқуқбузарнинг яшаш жойида унинг оила аъзолари ва “маҳалла еттилиги”ни хабардор қилиш** тизимини ишга тушириш чораларини кўрсин;

(ж) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/460/0889-son
05.09.2026-y.

35 (1263)-son
881-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 460 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон аккредитация маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотларни илғор халқаро амалиёт асосида жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон Фармонига асосан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги Ўзбекистон аккредитация маркази, амалдаги фаолият йўналиши, штат бирликлари, мол-мулки ҳамда молиялаштириш тартиби ва манбалари сақлаб қолинган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилгани **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Аккредитация маркази) тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Аккредитация марказининг асосий вазифалари ҳамда функциялари;

Аккредитация марказининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

Аккредитация марказини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/460/0889-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 4 сентябр даги 460-сон қарорига
1-илова

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон аккредитация маркази давлат муассасаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасасининг (кейинги ўринларда – Аккредитация маркази) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Аккредитация маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Аккредитация маркази мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказадиган Аккредитация органи ҳисобланиб, Вазирлар Маҳкамаси Аккредитация маркази муассиси (кейинги ўринларда – Муассис) ҳисобланади.

4. Аккредитация маркази мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шунингдек, банкларда миллий ва хорижий валютада ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрлар, штамплар ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа реквизитларга эга бўлади.

5. Аккредитация маркази белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, шунингдек, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

6. Аккредитация маркази юридик шахс сифатида алоҳида мулкка, мустақил балансга эга бўлади, ўзига бириктирилган мулкка нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган доирада ўз фаолияти мақсадларига, Муассис топшириқларига ва мулкнинг мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

7. Аккредитация марказининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси;

қисқартирилган номи – “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ (аббревиатураси “ЎЗАКК”);

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственное учреждение Узбекский центр аккредитации при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – ГУ “Узбекский центр аккредитации”;

(аббревиатура “УЗАКК”).

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – “Uzbek center for Accreditation” State Institution under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – “Uzbek Center for Accreditation” SI (аббревиатура “UzAKK”);

8. Аккредитация марказининг жойлашган жойи (почта манзили): 100169, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зафаробод кўчаси, 7а-уй.

2-боб. Аккредитация марказининг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Аккредитация марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро стандартларга кўра аккредитациядан ўтказиш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитациядан ўтказилган субъектларнинг белгиланган шартлар ва талабларни бажаришини даврий баҳолаш;

халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, ушбу соҳада халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш;

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасида миллий ва халқаро илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилаётган давлат илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси вазифаларини бажариш.

10. Аккредитация маркази ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

миллий аккредитация тизимини ривожлантиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

ISO/IEC 17011 халқаро стандарти талаблари асосида фаолият юритади ва унинг талабларига риоя қилади;

халқаро стандартларга, шунингдек, аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар талаблари ва тавсияларига мувофиқ аккредитация тартиботлари бўйича қоидалар, тартиб-таомиллар, йўриқномалар ва низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

аккредитация соҳасидаги давлат дастурларининг, шунингдек, соҳада ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли таҳлил қилади, ўтган давр билан қиёсий ўрганади ва истиқболни белгилайди;

аккредитация соҳасининг ривожланиш тенденциялари бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

б) мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро стандартларга кўра аккредитациядан ўтказиш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитациядан ўтказилган субъектларнинг белгиланган шартлар ва талабларни бажаришини даврий баҳолаш соҳасида:

мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатлилигига оид талабларни ва мезонларни белгиловчи стандартларни қабул қилиш юзасидан таклифларни миллий стандартлаштириш органига киритади;

аккредитацияни, такрорий аккредитациядан ўтказади ҳамда ариза берувчини ваколатлилигига оид белгиланган талабларга ва мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштиради, уларга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритади;

даврий баҳолаш ишларини амалга оширади;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг шаклини, шунингдек, аккредитация белгисининг шаклини ва уни қўллаш тартибини белгилайди;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди ёки тугатади;

гувоҳлик баҳолаш, мувофиқликни баҳолаш ишлари якунлангандан кейин уларнинг натижадорлигини ўрганиш ҳамда огоҳлантиришсиз ташриф орқали белгиланган шартлар ва талаблар бажарилишини баҳолаб боради;

аккредитациядан ўтказилган субъектлар билан аккредитациядан кейинги шартномалар тузади;

аккредитация белгисидан фойдаланишни мониторинг қилади;

в) халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, ушбу соҳада халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш соҳасида:

аккредитация миллий тизимини халқаро нормалар ва мезонларга мувофиқ доимий равишда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз фаолиятига халқаро стандарларни жорий этади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида аккредитация ишлари натижаларининг хорижий мамлакатлар томонидан эътироф этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўради;

аккредитация соҳасида идоралараро хусусиятга эга, шу жумладан, хорижда аккредитация ишлари натижалари эътироф этилишини таъминлашга қаратилган халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузади;

аккредитация соҳасида ўз ваколатлари доирасида халқаро шартномалар, шу жумладан, хорижий миллий аккредитация органлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар, меморандумлар тузади;

халқаро аккредитация ташкилотлари, шу жумладан, хорижий аккредитация органлари томонидан ташкил этилган йиғилиш, семинар, конференция, симпозиумларда ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этади;

г) мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасида миллий ва халқаро илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилаётган давлат илмий-техник дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси вазифаларини бажариш соҳасида:

аккредитация соҳасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашни, уларнинг тажриба орттиришини, шу жумладан, чет элда малака оширишини таъминлайди;

аккредитациядан ўтказилган субъектлар ходимларини мунтазам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан кўрсатмалар беради;

аккредитация бўйича баҳоловчилар ва техник экспертларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилади, уларнинг малакасини баҳолайди ҳамда уларнинг рўйхатини юритади;

тренинглар, семинарлар, конференция, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ўтказади ҳамда баҳоловчилар, техник экспертлар, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш соҳасида иштирок этувчи мутахассислар малакасини баҳолайди.

11. Аккредитация маркази ўзига юкланган вазифалар доирасида бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Аккредитация марказининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Аккредитация маркази ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ўз ваколати доирасига кирадиган масалаларда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколати доирасига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборотни республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича зарур статистика ахборотини статистика органларидан бепул олиш;

Аккредитация маркази ходимларини улар томонидан тегишли соҳада ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро шартномаларни тузиш;

Аккредитация маркази ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

аккредитация соҳасидаги тадбирлар ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

зарур техник ускуна, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни белгиланган тартибда харид қилиш;

пулли хизматлар кўрсатиш тартибини, уларнинг нархларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. Бунда қўлланадиган янги нархларни (тарифларни) жорий нархлар (тарифлар) ўзгартирилишидан камида ўн беш кун олдин эълон қилади ва кейинги чорак давомида нархлар ўзгартирилганда, нархлар ўзгариши тўғрисида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини ўн кун олдин хабардор қилади;

аккредитация соҳасидаги халқаро ва республика тадбирларини ўтказишда ғолиб ва совриндорларни, номинантларни мукофотлаш учун зарур миқдорда дипломлар ва совринларни белгиланган тартибда харид қилиш;

аккредитация соҳаси вакилларини кўкрак нишонлари, дипломлар, ёрлиқлар ва совринлар билан мукофотлаш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

аккредитация соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқаларни йўлга қўйиш;

алоҳида фидокорлик, меҳнатсеварликни намоён қилган, ўзининг профессионал фаолиятида юксак натижаларга эришган аккредитация соҳасидаги намояндалар ва ходимларнинг номзодларини белгиланган тартибда давлат мукофотларига тақдим этиш юзасидан таклифлар киритиш;

аккредитациядан ўтказилган ташкилотлар ва уларнинг аккредитация соҳаси тўғрисидаги маълумотлар базасининг шакллантирилиши ҳамда долзарб ҳолатда сақланишини, шунингдек, тегишли ахборотнинг махфийлигига риоя қилган ҳолда жамоатчиликнининг улардан фойдаланишини таъминлаш;

миллий аккредитация тизимининг реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилаш;

Аккредитация маркази ўз расмий веб-сайтида ўзининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва уларнинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлаш;

очиқ маълумотлар порталида фойдаланувчилар учун қулай форматларда кўриш имкониятини яратган ҳолда муассасанинг юқори турувчи ташкилоти, кўчмас мулк объектлари, қурилиши тугалланмаган объектлари ва автотранспорт воситалари, режалаштирилган ва амалга оширилган харажатлар таркиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларни (тижорат сири мавжуд ёки чекланган ҳолда тарқатиладиган маълумотлар бундан мустасно) эълон қилиб бориш;

энг яхши амалиётларга мувофиқ мустақил маслаҳатчилар ва экспертларни, шу жумладан, хорижий маслаҳатчилар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўзига юкланган вазифаларни бажаришда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, лойиҳа институтлари, инжиниринг ва консалтинг компаниялар, илмий-таълим муассасалар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл ва маҳаллий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш.

Аккредитация марказига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Аккредитация маркази:

унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилиши;

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўз муддатларида ва сифатли тайёрлаши;

аккредитация соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4-боб. Аккредитация маркази директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Аккредитация маркази директори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Аккредитация маркази фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Аккредитация марказига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Аккредитация маркази тузилмасини, ходимларининг штат жадвали ва иш ҳақи миқдорини тасдиқлайди;

юқори малакали хорижий ва маҳаллий мутахассисларни ишга қабул қилади ҳамда уларга қонунчилик хужжатларига мувофиқ иш хақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги барча ташкилотларда Аккредитация маркази манфаатларини ифодалайди, Аккредитация маркази номидан шартномаларни тузади, ўзгартиради ва бекор қилади;

Аккредитация марказининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Аккредитация маркази ходимларининг лавозим мажбуриятларини тасдиқлайди;

ойлик қўшимча ҳақлар, рағбатлантириш, конпенсация тўловлари, шу жумладан, юқори малака, профессионализм ва иш сифати учун ойлик ва чораклик қўшимча ҳақлар ва мукофот пулларини белгилайди;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади.

ўз ваколати доирасида Аккредитация маркази ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

Аккредитация маркази номидан иш юритиш учун белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Аккредитация маркази директори қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Аккредитация маркази директорининг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Аккредитация марказига юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиши;

Аккредитация маркази олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиши ва назорат қилиши;

давлат сирига оид маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонларига сўзсиз эришилишини таъминлаши;

фаолиятни ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режаси, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Аккредитация маркази директори қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

16. Аккредитация маркази директори ўз ҳуқуқари ва мажбуриятларини бажаришда давлат ва Аккредитация маркази манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак.

5-боб. Аккредитация маркази директорининг жавобгарлиги

17. Аккредитация маркази директори Аккредитация марказига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши, Аккредитация марказининг ушбу Низомда кўрсатилган жавобгарлик соҳалари бўйича ҳамда ўз функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

18. Аккредитация маркази директори ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қаноатлантирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун маблағларнинг ўтказилмагани, шу жумладан, Аккредитация марказига берилган мол-мулк йўқолган тақдирда, етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

19. Аккредитация маркази директори зиммасига юкланган вазифалар, шунингдек, Аккредитация марказига берилган мол-мулкининг бутлиги ва ундан мақсадли фойдаланилиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

6-боб. Аккредитация маркази фаолиятини ташкил этиш

20. Аккредитация марказининг жорий фаолиятига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

21. Аккредитация маркази директорининг уч нафар ўринбосари бўлади. Директор ўринбосарлари Аккредитация маркази директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

QMMB: 09/26/460/0889-son
05.09.2026-y.

22. Аккредитация маркази директорининг маслаҳатчилари белгиланган тартибда Аккредитация маркази директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

23. Аккредитация маркази директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари директорнинг тегишли буйруғига асосан унинг ўринбосарларидан бири томонидан бажарилади.

24. Аккредитация маркази директори ички идоравий хужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди.

7-боб. Аккредитация маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

25. Аккредитация маркази фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

26. Аккредитация маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар белгиланган тартибда тасдиқланадиган Аккредитация маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

27. Аккредитация маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

раҳбарлар ва ходимларни рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Аккредитация маркази фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Аккредитация маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8-боб. Аккредитация марказини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

28. Аккредитация маркази фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

29. Қуйидагилар Аккредитация марказининг мулки ҳисобланади:

Муассис томонидан Аккредитация марказига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ Аккредитация марказига даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

30. Аккредитация маркази мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва улушлар, пайлар бўйича, шу жумладан, Аккредитация маркази ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

31. Аккредитация маркази директори Муассис билан келишган ҳолда, Аккредитация маркази мулкини қуйидаги ҳолларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, ҳисобдан чиқариш (бино ва иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлардан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари розилиги билан автотранспорт воситаларини харид қилиш, бино ва иншоотларни сотиб олиш ва (ёки) қуриш;

мулкни Аккредитация маркази фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлган бошқача тарзда тасарруф этиш.

32. Аккредитация марказининг оператив бошқарувида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган даромадлар, шунингдек, Аккредитация марказининг шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулки ҳам унинг оператив бошқарувига ўтади.

33. Қуйидагилар Аккредитация маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланади:

кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар;

аккредитация белгисидан фойдаланганлик учун аккредитациядан ўтказилган субъектлардан тушадиган ажратмалар;

Муассис томонидан Аккредитация марказини таъминлаш учун йўналтирилган маблағлар ёки мулк;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

34. Аккредитация маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди, лавозим маоши, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақлар, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва устамалар, рағбатлантириш тўловларидан, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат. Аккредитация марказининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби қонунчилик ҳамда ички ҳужжатларда белгиланади.

35. Аккредитация маркази ходимларининг лавозим маоши икки баравар миқдордаги коэффициентни қўлланган ҳолда, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга доир тасдиқланган разрядларга мувофиқ белгиланади.

QMMB: 09/26/460/0889-son
05.09.2026-y.

36. Молиявий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, Аккредитация маркази ходимларига ўз маблағлари ҳисобидан:

қуйидаги миқдорларда кўп йиллик хизмати учун ойлик устама ҳақлари тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан ортиқ – 1,5.

Бунда кўп йиллик хизмати учун ойлик устама ҳақлари коэффициентини ҳисоблашда Аккредитация маркази ходимларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар (якка тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлаган давридан ташқари), барча ташкилотлардаги меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади;

лавозим маошининг икки баравари миқдоригача бўлган миқдорда ҳар ойлик устамалар, шунингдек, хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажараётган ходимларга қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, қўшимча ҳақ, мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш ҳамда компенсациялар тўланади.

37. Аккредитация маркази қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари жамғармаларга эга бўлиши мумкин.

9-боб. Аккредитация марказининг Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши

38. Аккредитация маркази раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

10-боб. Якунловчи қоидалар

39. Ушбу Низом қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

41. Аккредитация маркази қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

QMMB: 09/26/460/0889-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 4 сентябр даги 460 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига илованинг 24-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 1 июлдаги 371-сон қарорига илованинг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2024 йил 2 июлдаги 372-сон қарори.



QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 461 Toshkent sh.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида юқори малакали мутахассислар корпусини шакллантириш, шунингдек, уларнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳасида юқори малакали мутахассислар корпусини шакллантириш орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари билан ихтисослашган ва самарали ишлашни таъминловчи шаффоф тизимни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги Қонунида ижтимоий ходимларнинг мақомини белгиловчи малака сертификатини бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда нодавлат ташкилотларда фаолият юритувчи ижтимоий ходимларнинг лавозими тўрт тоифага (тоифасиз, III, II ва I тоифаларга) ажратилади. Бунда:

III, II ва I тоифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази томонидан бериладиган малака сертификатига эга бўлган ижтимоий ходимларга берилади;

малака сертификати беш йил амал қилиш муддати билан берилади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази)дан ташқари бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда нодавлат ташкилотларда фақат III, II ва I тоифадан бирини олган ижтимоий ходимлар фаолият юритади;

тоифасиз ёки III, II ва I тоифага эга бўлган ижтимоий ходимларнинг вазифалари тақсимоти иш берувчи томонидан белгиланади. Бунда давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритувчи ижтимоий ходимларнинг вазифа ва функцияларини белгилаш Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

б) малака сертификати амал қилиш муддати тугагандан сўнг **олти ой ичида** қайта малака сертификатини олмаган ижтимоий ходимларнинг лавозими сақланган ҳолда бир поғона қуйи тоифага туширилади;

в) ижтимоий ходимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтказилади;

г) давлат органлари ва ташкилотларда ижтимоий ходим лавозимининг штат меъёри бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда киритилади.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган тартиб қуйидаги босқичларда жорий этилади:

2026 йил 1 октябрдан бошлаб **Хоразм** ва **Тошкент** вилоятларида жойлашган “Инсон” марказларида ҳамда Агентлик тизимидаги бошқа муассасалар (кейинги ўринларда – муассасалар)да;

2027 йил 1 январдан бошлаб **Андижон** вилояти ва **Тошкент** шаҳрида жойлашган “Инсон” марказларида ҳамда муассасаларда;

2027 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларидаги “Инсон” марказларида ва муассасаларда;

2027 йил 1 июндан бошлаб Ички ишлар вазирлиги ва “SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасида.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 апрелдан** бошлаб:

а) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Инсон” марказлари тузилмасида ижтимоий ходимларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган лавозимлар жорий этилади:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ижтимоий ходим;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар билан ишлаш бўйича ижтимоий ходим;

б) мазкур бандниг “а” кичик бандида назарда тутилган лавозимлар ҳамда “Инсон” марказларининг шуъба мудири (бош ижтимоий ходим) ва бош мутахассиси (супервайзер) лавозимларига II ва ундан юқори тоифага эга бўлган ижтимоий ходимлар фаолият юритишига йўл қўйилади.

Бунда “Инсон” марказларининг шуъба мудири (бош ижтимоий ходим) ва бош мутахассиси (супервайзер) лавозимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимларга уч ой муддат ичида тегишли тоифа олиши талаб қилинади.

5. Қуйидагилар:

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофот миқдорлари **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин. Бунда Агентлик тизимига кирмайдиган давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритувчи ижтимоий ходимларнинг:

ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,2 бараваридан кам бўлмаслиги лозим;

фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофот миқдори иш берувчи томонидан мустақил белгиланади.

6. Агентлик Ҳамжамиятларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаровонликни ривожлантириш маркази билан биргаликда:

2026 йил 1 октябрга қадар ижтимоий ходимларга тоифа бериш жараёнлари бўйича халқаро стандарт ва илғор тажрибаларга мувофиқ, жаҳон даражасида талаб этилган мезонларга жавоб берадиган ўқув дастурлари ва баҳолаш (синов) механизмлари ишлаб чиқилишини таъминласин;

2026 йил якунига қадар ижтимоий ходимлар учун халқаро сертификатлаш тизимини жорий қилиш бўйича таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Агентлик, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга** қадар бир йилда бир марта ижтимоий ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича ўзи қабул қилган идоравий ҳужжатларни мазкур қарорга мослаштириб, давлат рўйхатидан ўтказилишини;

2026 йил якунига қадар барча ижтимоий ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ижтимоий ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилиши муносабати билан **2026 йилга** мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшимча харажатларини кўзда тутувчи ўзгартириш киритилишини таъминласин.

9. Агентлик Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга** қадар:

ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини таъминласин;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-илова**га мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Mazkur qarornıng bajarilishini nazorat qilish Ўzbekiston Respublikasi Bosh vazirining ўrinbosari – iqtisodiёt va molия vazири Ж.А. Qўchqorov zimmasiga yuklansin.

Ўzbekiston Respublikasining
Bosh vazири **A. Aripov**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 4 сентябрдаги 461-сон қарорига
1-илова

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент ижтимоий ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

малака сертификати – ижтимоий ходимларга тоифа берилганлигини тасдиқловчи ҳамда тоифа даражаси кўрсатилган QR-код қўйилган ҳужжат;

махсус иш стажи – мазкур Регламентда белгиланган тартиб жорий қилингандан сўнг шахснинг ижтимоий ходим ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) ходими сифатида ишлаган даври;

назорат синови – малака сертификати олиш учун жисмоний шахснинг ижтимоий иш соҳаси бўйича билим ва маҳоратини аниқлаш жараёни;

навбатдан ташқари назорат синови – узрли сабабларга кўра назорат синовида иштирок эта олмаган ҳамда биринчи маротаба назорат синовида иштирок этиб, ундан ўта олмаган талабгорлар учун ташкил этиладиган назорат синови;

тоифа – назорат синови натижаларига кўра берилган ижтимоий ходимларнинг назарий билими, амалий кўникмалари, касбий малакаси даражасини тасдиқловчи ҳужжат;

талабгор – малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс.

3. Малака сертификати назорат синови натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги тартибда берилади:

бир йиллик махсус иш стажига эга талабгорга – III тоифа малака сертификати;

икки йиллик махсус иш стажига эга талабгорга – II тоифа малака сертификати;

уч йиллик махсус иш стажига эга талабгорга – I тоифа малака сертификати.

4. Талабгордан III тоифали малака сертификатини олиш учун олий маълумот, II ва I тоифали малака сертификатини олиш учун тор доирадаги олий маълумот талаб қилинади.

Бунда тор доирадаги олий маълумот талаб қилинадиган олий таълим йўналишларининг рўйхати Агентлик томонидан белгиланади.

5. Малака сертификати бўйича тоифа талабгорларга III тоифадан I тоифага қараб изчил кетма-кетлик тартибида берилади. Бунда тегишли махсус иш стажига эга бўлишидан қатъи назар, қуйи тоифа малака сертификатига эга бўлмаган талабгорга юқори тоифалар берилмайди.

6. Малака сертификати беш йил амал қилиш муддати билан берилади.

Бунда малака сертификати ваколатли орган ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда QR-код билан расмийлаштирилади.

7. “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлган ёки ижтимоий иш соҳасида хорижий сертификатга эга бўлган шахсларга, истисно тариқасида ваколатли орган томонидан III тоифали малака сертификати назорат синовисиз ҳамда махсус иш стажи талаб қилинмаган ҳолда берилади.

Бунда ижтимоий иш соҳасида тан олинадиган хорижий сертификатлар рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланади.

8. Ижтимоий ходимларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизмати мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

2-боб. Малака сертификатини бериш тартиби

9. Малака сертификатини олиш бўйича назорат синовида иштирок этиши учун талабгор ваколатли органнинг камида 36 академик соатлик ўқув курсларида (онлайн, оффлайн ёки гибрид шаклда) малака ошириши лозим бўлади.

Бунда талабгорнинг малакасини ошириш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

10. Талабгор малака сертификатини олиш учун “Инсон” марказига ўзи келган ҳолда, шунингдек, “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.

11. Талабгор малака сертификатини олиш учун “Инсон” марказига бевосита ўзи мурожаат этган тақдирда, “Инсон” маркази ходими талабгор номидан, “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилган ҳолларда эса – талабгор мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Талабгор сўровномадаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

12. Қуйидаги талабгор ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан, “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади:

талабгорнинг паспорт (идентификацияловчи ID-карта) ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар маълумотлари;

таълим йўналиши бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки олий маълумот ҳақидаги хорижий ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги маълумотлар;

иш стажи тўғрисидаги маълумотлар;

назорат синовидан ўтиш учун ҳужжатларни топширгунга қадар бир йилдан ортиқ бўлмаган даврда шартнома асосида ваколатли органнинг 36 академик соатдан кам бўлмаган ўқув курсларида малака оширгани;

талабгорнинг фамилияси ва (ёки) исми ўзгартирилган бўлса, бу ҳақидаги маълумотлар.

13. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида назорат синовида иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

3-боб. Назорат синовини ўтказиш тартиби

14. Малака сертификатини олиш учун назорат синови, қоида тариқасида, ҳар чоракда бир марта ўтказилади.

15. Назорат синовида иштирок этиш учун талабгордан тўлов ундирилмайди.

16. Назорат синови қуйидаги синовлар асосида ўтказилади:

биринчи босқич – талабгорларнинг билим даражасини аниқлашга қаратилган ижтимоий иш соҳасидаги тест;

иккинчи босқич – кейс таҳлили.

17. Талабгорлар тест ва кейс таҳлили бўйича умумий 100 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тест синови учун 50 балл, кейс таҳлили учун 50 балл берилади.

18. Назорат синовини ўтказиш жойи ва санаси у ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин ваколатли органнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда ЯИДХП ёки “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали талабгорларнинг шахсий кабинетига юборилади.

19. Назорат синови материалларини шакллантириш учун ваколатли орган томонидан манфаатдор идоралар, уларнинг ҳудудий бўйсунувидаги ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, малакали

мутахассислар, маҳаллий ва хорижий экспертлар, шунингдек, нодавлат ташкилотлар вакиллари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Ваколатли орган томонидан баҳолаш мезонлари, назорат синови материаллари ҳамда назорат синови учун ажратиладиган вақтга миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

20. Назорат синовида узрли сабаблар (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлиги, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этганлиги, вақтинча хорижий мамлакатда сафарда бўлиб турганлиги, яқин қариндоши вафот этганлиги, ваколатли давлат органи ёки таълим ташкилотлари раҳбарларининг маълумотномасида кўрсатилган асослар)га кўра иштирок этмаган талабгор, тегишли ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда, назорат синовидан ўтмаган ҳисобланади ҳамда навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиш учун қайтадан рўйхатдан ўтиши талаб этилади.

21. Талабгор назорат синовида узрли сабабларга кўра иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, назорат синови ўтказиладиган санадан камида бир кун олдин “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХП орқали ваколатли органни хабардор этиши лозим.

22. Назорат синови онлайн ёки оффлайн шаклда ўтказилади.

Бунда назорат синови ўтказиш жойи ваколатли орган томонидан белгиланади.

23. Назорат синовини топширишда талабгор фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картасининг аслини тақдим этади.

24. Талабгор қуйидаги ҳолларда назорат синовидан четлаштирилади:

назорат синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиёт, шпаргалка ёки телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кирса;

назорат синови ўтказилаётган вақтда бошқа талабгорлар билан мулоқот қилса;

назорат материалларини аудиториядан олиб чиқишга ҳаракат қилса, саволларни кўчириб олса;

саволларни бошқа талабгорга берса, назорат синовини ўтказиш жараёнига халақит қилса;

назорат синови жараёнида видеокузатув орқали талабгорнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса.

25. Назорат синови натижалари назорат синови ўтказилганидан сўнг икки иш куни ичида ваколатли органнинг расмий веб-сайтида маълум қилинади ҳамда талабгорнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилади.

Назорат синови натижалари апелляция якунларига мувофиқ ўзгариши мумкин.

4-боб. Назорат синовлари натижалари бўйича малака сертификатини расмийлаштириш, бериш ва уларнинг реестрини юритиш

26. Назорат синови натижаси бўйича 70 ва ундан юқори балл тўплаган талабгор назорат синовидан ўтган ҳисобланади.

Назорат синови натижаси бўйича 70 баллдан кам кўрсаткичга эга талабгор назорат синовидан ўтмаган ҳисобланади.

27. Назорат синови якунланганидан сўнг бир ой муддатда назорат синовларидан ўтган талабгорларнинг рўйхатига асосан уларга мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ электрон шаклдаги малака сертификати ҳамда тегишли тоифа берилади. Бу тўғрисидаги маълумотлар талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

28. Талабгор “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали малака сертификатини юклаб олиш имконига эга бўлади.

29. Ваколатли орган томонидан малака сертификатларининг электрон реестри юритилади.

30. Узрли сабабларга кўра назорат синовида иштирок эта олмаган талабгор учун навбатдан ташқари назорат синови кейинги чорак давомида ташкил этилади. Бунда навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш ва уни ўтказиш мазкур Регламентга мувофиқ тартибда амалга оширилади.

5-боб. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

31. Назорат синовлари натижаларидан норози бўлган талабгор натижалар эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида “Инсон” маркази, “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХП орқали апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга.

32. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун ваколатли орган буйруғи билан 3–7 нафар ходимдан иборат таркибда Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига назорат синовида қатнашган ходимлар киритилишига йўл қўйилмайди.

33. Апелляция шикояти икки ҳафта муддат мобайнида кўриб чиқилади ва талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХП орқали хабардор қилинади.

34. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

назорат синови натижасини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш;

назорат синови натижасини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш.

35. Назорат синови натижасини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Регламент талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топмаса.

36. Назорат синови натижасини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги қарор шикоятда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топган тақдирда қабул қилинади.

37. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

38. Талабгор Апелляция комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

39. Ваколатли орган томонидан талабгор тўғрисидаги шахсий маълумотлар махфийлиги таъминланади.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, талабгор тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

40. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

41. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Талабгор малака сертификатлаш назорат синовида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази	Талабгорнинг ижтимоий иш соҳаси бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун назорат синовини ташкил этади.	Ҳар чоракда
3-босқич	Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази	Талабгор малака сертификатлаш назорат синовидан муваффақиятли ўтганда, унга электрон шаклдаги сертификатни (QR-код) расмийлаштиради ва талабгорнинг “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига юборади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида
4-босқич	Талабгор	Назорат синови натижасидан норози бўлганда, Апелляция комиссиясига апелляция шикоятини беради.	Натижа эълон қилинган кундан бошлаб беш кун мобайнида
5-босқич	Апелляция комиссияси	1. Апелляция шикоятини кўриб чиқади. 2. Талабгорни Апелляция комиссияси қарори тўғрисида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хабардор қилади.	2 ҳафта мобайнида

QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

НАМУНА

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА

_____ _____
(сана) *(рақам)*

Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:

1.	Ф.И.О.:	
2.	Паспорт маълумотлари (серия ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3.	Маълумоти:	
3.1.	Тамомлаган йили, диплом рақами:	
3.2.	Диплом бўйича мутахассислиги:	
4.	Малака оширганлиги тўғрисидаги малака сертификатининг рақами ва берилган вақти:	
5.	Яшаш манзили:	
6.	Телефон рақами:	
7.	Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

Ижтимоий ходимларга малака сертификатини
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

НАМУНА

Ягона интерактив давлат хизматлари портали

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази

Ҳужжат берилган жисмоний шахс:
Сўровнома рақами:

_____ ТОИФА
МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

_____га
(жисмоний шахснинг Ф.И.О)

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда нодавлат ташкилотларда ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди.

Малака сертификати берилган сана:

Малака сертификати рақами:

Ваколатли органнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори санаси ва рақами:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари:

Малака сертификатининг амал қилиш муддати 5 йил.

_____
(Ваколатли орган мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

Ҳужжатнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
QR-код

QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 4 сентябрдаги 461-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофот МИҚДОРЛАРИ*

I. Ойлик иш ҳақи миқдорлари

(ижтимоий ходимларнинг лавозим тоифаларидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан)

Лавозим тоифалари	Оила сони	Миқдори *(баравар)*
Ижтимоий ходим	1 500 тагача	4
	1 501 тадан 2 000 тагача	4,2
	2 001 тадан 2 500 тагача	4,4
	2 501 тадан 3 000 тагача	4,6
	3 001 тадан 3 500 тагача	4,8
	3 500 тадан ортиқ	5
III тоифали ижтимоий ходим	1 500 тагача	4,2
	1 501 тадан 2 000 тагача	4,4
	2 001 тадан 2 500 тагача	4,6
	2 501 тадан 3 000 тагача	4,8
	3 001 тадан 3 500 тагача	5
	3 500 тадан ортиқ	5,2
II тоифали ижтимоий ходим		5,4
I тоифали ижтимоий ходим		5,6

II. Фаолият самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган ҳар ойлик мукофот миқдори**

(ойлик иш ҳақига нисбатан)

Лавозим тоифалари	Қониқарли *(фоиз)*	Яхши *(фоиз)*	Аъло *(фоиз)*	Коэффициент*
Ижтимоий ходим	15	30	50	-
III тоифали ижтимоий ходим				1,05

II тоифали ижтимоий ходим				1,1
I тоифали ижтимоий ходим				1,2

Изоҳ.

** Ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдорлари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш натижаларига қўшимча равишда коэффициент 2027 йил 1 апрелдан бошлаб қўлланади.*

*** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига кирувчи муассасаларда фаолият олиб борувчи ижтимоий ходимларга нисбатан ҳам татбиқ этилади ва мазкур маблағлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб борилади.*

QMMB: 09/26/461/0890-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 4 сентябрдаги 461-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 августдаги 435-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда – Адлия вазирлиги) Алоқа марказига ёки унинг расмий веб-сайтига (кейинги ўринларда – “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Call-маркази”, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилиш орқали кўрсатилади”;

б) 4-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган шахслар, соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўлов ундирилмайди”;

в) 7-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун “Call-марказ” Агентликнинг “Call-маркази”, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, маҳалладаги ижтимоий ходим ёки расмий веб-сайт орқали мурожаат қилади”;

г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ариза берувчи “Call-марказ”га ёки Агентликнинг “Call-маркази”га мурожаат қилган тақдирда, “Call-марказ” ёки Агентликнинг “Call-маркази” ходими ариза берувчи номидан, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилган тақдирда, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими ёки маҳалладаги ижтимоий ходим ариза берувчи номидан, расмий веб-сайт орқали мурожаат этганда эса, Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани мустақил равишда тўлдиради.

Бунда сўровнома ариза берувчи номидан “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими ёки маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан тўлдирилгандан сўнг ваколатли органга юборилади”;

д) 1-иловaнинг 1-босқичи “Тадбирлар” устуни 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун Адлия вазирлигининг Алоқа марказига ёки унинг расмий веб-сайтига (кейинги ўринларда – “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Call-маркази”, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёхуд маҳалладаги ижтимоий ходим орқали мурожаат этади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорининг 5-банди ва 3-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Изоҳ. *Мазкур илованинг 2-банди 2027 йил 1 апрелдан бошлаб кучга киради.*



QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

35 (1263)-son
883-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 462 Toshkent sh.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат ёрдами берилишида хусусий сектор вакиллари ва давлат иштирокидаги корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш орқали бундай ёрдамни бериш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш учун ваколатли давлат органига мажбурий тартибда киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикасини тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 29 декабрдаги 694-сон қарорига **иловага мувофиқ** қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш тартибини такомиллаштириш;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “subsidiya.imv.uz” платформасидаги тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган реестрда (кейинги ўринларда – Реестр) барча давлат ёрдами турлари бўйича маълумотларнинг шаффофлигини таъминласин.

Бунда қуйидагилар тизимли равишда таъминланади:

Реестрда давлат ёрдамини берувчилар ва ундан фойдаланувчилар, давлат ёрдамининг шакллари ва миқдорлари, уни кўрсатиш муддати, молиялаштириш манбалари, ҳуқуқий асослари ҳамда давлат ёрдамини назарда тутувчи барча ҳужжатлар бўйича тўлиқ ва ишончли маълумотлар акс эттирилади;

QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

давлат ёрдамини берувчи ваколатли органлар томонидан давлат ёрдамини бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида зарур маълумотлар Реестрга киритилади;

Реестр давлат тилида электрон шаклда юритилади, жамоатчилик учун очиқ бўлади ҳамда давлат ёрдами дастурлари ва якка тартибда берилган давлат ёрдамига оид маълумотлар билан мунтазам равишда янгилаб борилади (давлат ёки тижорат сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно);

Реестр Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар чоракда камида бир марта янгиланади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан Реестр маълумотлари асосида берилган давлат ёрдамининг рақобатга таъсири баҳоланади (ex-post шаклида).

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Х.С. Турахужаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 4 ” сентябрдаги 462-сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикасини тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 29 декабрдаги 694-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”.

2. 2-бандда:

а) “б” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “тасдиқлансин” сўзи чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги “в” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолашнинг асосий мезонлари;

ваколатли орган томонидан давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби;

давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш учун ахборот манбалари”.

3. 1-илованинг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Давлат ёрдамини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсири Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ баҳоланади”.

4. Қуйидаги мазмундаги 3-илова билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

“Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 декабрдаги 694-сон қарорига
3-илова

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“барчага ёки ҳеч кимга” тамойили – давлат ёрдамини ажратишда бир хил шароит ва мезонларга эга бўлган, товар ва молия бозорида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга давлат ёрдами алоҳида тартибда танлаб берилмасдан, тенг равишда тақдим этилиши ёки умуман тақдим этилмаслиги;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси;

давлат ёрдами – давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, грантлар, давлат кафолатлари, имтиёзли кредитлар, эксклюзив ҳуқуқлар, давлат мулкини имтиёзли нархларда сотиш ва ижарага бериш, ер ресурсларидан ва ерости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини имтиёзли шартлар асосида ҳамда бошқа преференциялар ва афзалликлар тарзида бериш;

давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида назарда тутилган давлат ёрдамининг рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаш эҳтимолини аниқлаш ва баҳолаш.

3. Давлат ёрдами қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун берилиши мумкин:

республика ҳудудлари ёки алоҳида тармоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш;

амалга оширилаётган лойиҳаларнинг инновацион хусусиятга эга бўлишини таъминлаш;

фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва республикада экологик ҳолатни яхшилаш;

кичик ва ўрта бизнес вакилларини ёки хотин-қиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш.

4. Ҳар қандай давлат ёрдами қуйидаги умумий шартлар асосида берилади:

давлат ёрдами бозор механизмлари самара бермаган муайян ҳолатларни бартараф этиш ёки бозорда тенг шартларни таъминлаш зарур бўлганда ҳамда ушбу мақсадга рақобатга салбий таъсир кўрсатмасликдан бошқа чоралар орқали эришиш имкони мавжуд бўлмаганда;

давлат ёрдами мутаносиб бўлиб, зарур бўлган энг кам миқдор, муддат ва кўлам билан чекланган ҳолда, бенефициарга ортиқча компенсация берилишига олиб келмаганда;

давлат ёрдами рағбатлантирувчи таъсирга эга бўлиб, бенефициар хатти-ҳаракатини ўзгартириши ва давлат ёрдами бўлмаган тақдирда, амалга оширилмайдиган (ёки сезиларли даражада камроқ амалга ошириладиган) қўшимча фаолиятни юзага келтирганда;

давлат ёрдами рақобат ва савдога салбий таъсирларни камайтириш тарзида ишлаб чиқилиб, имкон қадар очиқ, рақобатбардош ва камситишсиз тақсимланганда.

5. Ваколатли орган томонидан давлат ёрдами берилишида унинг рақобатга таъсири баҳоланади.

2-боб. Давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолашнинг асосий мезонлари

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида назарда тутилган давлат ёрдамининг рақобатга таъсири қуйидаги оқибатларнинг бирига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлганда, унинг таъсири рақобат учун салбий деб баҳоланади:

давлат ёрдами ягона хўжалик юритувчи субъектга ёки айрим шахслар гуруҳига берилса;

давлат ёрдами фақат давлат иштирокидаги корхоналарга ёки маҳаллий корхоналар ёхуд хорижий инвесторларга берилса;

барча хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат ёрдамидан тенг фойдаланиш имконияти чекланса;

давлат ёрдамини бериш тартиби мавжуд бўлмаса ва шаффофлиги таъминланмаган бўлса;

давлат ёрдамининг берилиши товар ва молия бозорида нархларнинг эркин шаклланишига тўсқинлик қилса;

давлат ёрдамини муддатсиз бериш назарда тутилган бўлса;

берилаётган давлат ёрдами аввал самарасиз деб баҳоланган бўлса;

ваколатли орган томонидан давлат ёрдамининг берилиши Давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқариши ёки ижтимоий мақсадлар учун йўналтириладиган давлат ёрдамининг миқдори қисқаришига олиб келиши бўйича хулоса берилган бўлса.

3-боб. Давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби

7. Ваколатли органга хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар қандай турдаги (якка тартибда ёки танланган қисмига) давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва (ёки) тартибга солиш таъсирини баҳолаш (кейинги ўринларда – ТСТБ) ҳисоботи уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш учун киритилади.

8. Ваколатли орган томонидан давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолашдан ўтказиш ва хулоса олиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва ТСТБ ҳисоботи ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

9. Ваколатли орган томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва ТСТБ ҳисоботи кўриб чиқилиши натижасига кўра лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги, уни қайта кўриб чиқиш лозимлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса расмийлаштирилади ва ишлаб чиқувчига тақдим этилади.

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва ТСТБ ҳисоботи юзасидан ваколатли органнинг хулосаси лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши лозим.

11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органнинг хулосаси лойиҳа билан бирга Адлия вазирлигига тақдим этилади.

12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига киритилганда, унга ваколатли органнинг хулосаси мажбурий тартибда илова қилинади.

13. Қуйидаги ҳолларда давлат ёрдами назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва ТСТБ ҳисоботи рақобатга таъсири юзасидан баҳолашдан ўтказилмайди:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш, юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича чекловчи тадбирларни (карантинни) белгилаш учун ишлаб чиқилаётган бўлса;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилса;

давлат ёрдами “барчага ёки ҳеч кимга” тамойили асосида ҳудудда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг барчасига татбиқ этилса.

4-боб. Давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби

14. Давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва (ёки) ТСТБ ҳисоботи унга қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатларни илова қилган ҳолда ваколатли органга тақдим этилади:

давлат ёрдами берилиши натижасида манфаатларига таъсир кўрсатадиган тегишли товар ва молия бозори иштирокчиларининг сони;

давлат ёрдамининг “барчага ёки ҳеч кимга” тамойили асосида барча учун берилиши ёки умуман татбиқ этилмаслиги оқибатида вужудга келадиган ҳолатлар таҳлили (ҳисоб-китоби);

давлат ёрдамининг айнан бир ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектларга берилиши оқибатида ушбу товар ва молия бозорида фаолият юритаётган рақобатчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан таъсири;

давлат ёрдамининг берилиши билан тартибга солинадиган товарга (ишга, хизматга) эҳтиёжнинг даражаси;

давлат ёрдами берилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга асос бўлган ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотлар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи давлат органи ва ташкилотлари тақдим қилинган ҳисоб-китоблар, маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

15. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан давлат ёрдами берилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва (ёки) ТСТБ ҳисоботи ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар билан бирга ваколатли органнинг ҳудудий органларига киритилади.

Ваколатли органнинг ҳудудий органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва (ёки) ТСТБ ушбу Низом талаблари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

5-боб. Давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш учун ахборот манбалари

16. Давлат ёрдами берилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва (ёки) ТСТБ ҳисоботининг рақобатга таъсирини баҳолашда расмий ва норасмий ахборотлардан фойдаланилади.

17. Расмий ахборотларга қуйидагилар киради:

расмий статистика маълумотлари;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

оқибатларни прогнозлаштириш масалалари бўйича илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳамда йиғилишлар материаллари;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинган маълумотлар;

рақобатга таъсирни баҳолаш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан, шу жумладан, бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар;

суд амалиёти;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа расмий манбалар.

18. Норасмий маълумотларга қуйидагилар киради:

нодавлат нотижорат ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Интернет тармоғининг норасмий ахборот ресурслари;

тижорат маълумотлари;

жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган сўровномалар.

19. Ваколатли орган қуйидагиларга ҳақли:

рақобатга таъсири баҳоланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари предметига тааллуқли бўлган маълумотлар билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танишишга;

рақобатга таъсири баҳоланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларига аниқлик киритишга ва улар бўйича тегишли тушунтиришлар олишга;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича манфаатларига алоқадор томонларнинг, шунингдек, мустақил экспертлар ва бошқа малакали мутахассисларнинг фикрларини ўрганишга.

QMMB: 09/26/462/0891-son
05.09.2026-y.

20. Ваколатли орган қуйидагиларга мажбур:

рақобатга таъсирни баҳолашни ташкил этиш ва баҳолашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилишга;

рақобатга таъсирни баҳолашда маълум бўлиб қолган давлат сирлари ва тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмасликка;

тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга.

6-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради”.



QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

35 (1263)-son
884-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 463 Toshkent sh.

“Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 11 февралдаги ПҚ–59-сон қарори ижросини таъминлаш, олий таълим ташкилотларининг иқтидорли талабаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг стартап лойиҳага айлантириш имконияти юқори бўлган ғояларини аниқлаш, шунингдек, танловлар орқали саралаш ва молиялаштириш тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги ПҚ–59-сон қарорида:

“Энг инновацион ғоя” республика танловининг (кейинги ўринларда – танлов) биринчи босқичи барча давлат олий таълим ташкилотларида ўтказилиши ва ғолибларга олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **100 млн сўм** грант берилиши;

танловнинг биринчи босқичи ғолиблари учун республика босқичи ташкил этилиши;

танловнинг республика босқичи 10 та йўналиш бўйича ўтказилиши ва мукофот жамғармаси Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан **10 млрд сўм** этиб белгилангани;

танловнинг республика босқичи ғолиблари хорижий давлатларга инкубация, акселерация ва стажировка дастурларига юборилиши назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

танловнинг биринчи босқичи **ҳар йили 20 ноябрга** қадар барча давлат олий таълим ташкилотларида ўтказилади;

ғолибларга олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган грантлар ажратилади;

танловнинг республика босқичи ғолибларига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан белгиланган йўналишлар бўйича мукофот пуллари ажратиб борилади;

QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

танловнинг республика босқичида ғолиб бўлган инновацион ғоя муаллифлари хорижий инкубация, акселерация ва стажировка дастурларига юборилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи “Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

давлат олий таълим ташкилотларининг талабалари учун танловнинг биринчи ва республика босқичини ташкил этиш, ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш;

танловнинг биринчи ва республика босқичи ғолиблари учун грантлар ажратиш;

танловнинг республика босқичи ғолибларини хорижий давлатларга инкубация, акселерация ва стажировка дастурларига юбориш.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили танловнинг республика босқичи юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

танловнинг республика босқичи ғолибларига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан белгиланган йўналишлар бўйича маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

танлов натижаларини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиб борилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

35 (1263)-сон
884-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “4” сентябрдаги 463-сон қарорига
илова

“Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат олий таълим ташкилотларининг иқтидорли талабалари ўртасида “Энг инновацион ғоя” республика танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш, уларнинг стартап лойиҳага айлантириш имконияти юқори бўлган ғояларини саралаш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Танлов ҳар йили сентябрь – декабрь ойларида иқтидорли талабаларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг истиқболли ва инновацион ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади.

3. Ушбу Низом қоидалари барча нодавлат олий таълим ташкилотлари учун тавсиявий характерга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан келишган ҳолда танловда қатнашиши мумкин.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

инновацион ғоя – илмий далил ва асосга эга, янги маҳсулот ёки хизмат турини яратишга, мавжуд муаммоларга ечим топишга ҳамда стартап лойиҳани шакллантиришга қаратилган лойиҳа;

саралаш комиссияси – олий таълим ташкилотларида танловнинг биринчи босқичига келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш, ғолибларни аниқлаш ва республика босқичига йўлланма бериш учун ташкил этиладиган комиссия;

талабгор – танловларда ўзининг инновацион ғояси билан иштирок этадиган, олий таълим ташкилотларининг бакалавриат ёки магистратура босқичи талабаси.

5. Танлов икки босқичда ташкил қилиниб, биринчи босқич барча давлат олий таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) ўзларининг талабалари учун ўтказилади ҳамда ғолибларга таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан умумий миқдорда 100 млн сўм грант ажратилади.

6. Республика босқичи Агентлик томонидан 10 та йўналиш бўйича ўтказилади ва йўналиш ғолибларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан грант берилади.

7. Танловнинг биринчи ҳамда республика босқичи ғолиблари учун ажратиладиган маблағлар инновацион ғояни дастлабки намунасини яратиш учун зарур сарфлаш материаллари ва ускуналарни сотиб олиш, хорижий инкубация, акселерация ва стажировка дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларга йўналтирилади.

8. Танлов ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

9. Танловнинг республика босқичи ушбу Низомга 2-иловадаги йўналишлар бўйича ўтказилади.

2-боб. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш

10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили 5 сентябрга қадар биринчи босқич шартлари ва талабгорлар томонидан саралаш комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналари ҳамда рўйхатини тасдиқлайди.

11. Таълим ташкилотлари раҳбарлари томонидан ҳар йили 10 сентябрга қадар танловнинг биринчи босқичида келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда саралаш комиссиялари тузилади ҳамда таълим ташкилоти раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Буйруқда саралаш комиссияларининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

12. Саралаш комиссияси таркиби аъзолари раис, котиб ҳамда таълим ташкилотларининг илмий даражага эга ходимлари, бакалавриат ва магистратура босқичи талабаларидан иборат бўлади.

13. Саралаш комиссияларига таълим ташкилотлари раҳбарларининг илмий тадқиқот ва инновацияларга масъул бўлган проректори раислик қилади ҳамда илмий бўлим раҳбари котиб этиб тайинланади.

Бунда таълим ташкилотларида йўналишлар бўйича алоҳида саралаш комиссиялари тузилиши мумкин.

14. Таълим ташкилотлари ҳар йили 10 сентябрда ўзларининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида талабалар учун танловнинг биринчи босқичига аризалар қабули бошлангани тўғрисида эълон беради.

Эълонда танлов шартлари, қабул қилиш муддатлари, баҳолаш мезонлари ва зарур ҳужжатлар рўйхати очиқ кўрсатилиши лозим.

15. Танловда талабгорлар ҳар йили 10 октябрга қадар саралаш комиссияси номига ариза бериш орқали фақатгина битта инновацион ғоя билан иштирок этади.

16. Саралаш комиссияси котиби ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади ва рўйхатга олади ҳамда ариза қабул қилингани тўғрисида талабгорга маълумотнома тақдим этади.

17. Саралаш комиссияси ҳар йили 10 ноябрга қадар инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.

18. Тақдимот жараёнида ғолиблар саралаш комиссияси аъзолари томонидан берилган баллар умумий йиғиндисининг ўртача миқдори бўйича аниқланади.

19. Саралаш комиссияси котиби танловнинг биринчи босқичи бошлангунга қадар саралаш комиссияси аъзосини талабгорларнинг яқин қариндоши эканлигини ёки танлов натижасидан бевосита манфаатдорлигини ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатларни аниқлаган тақдирда, ҳолат юзасидан таълим ташкилотлари раҳбарига хабар бериши шарт.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахслар таълим ташкилотлари раҳбарлари қарори асосида саралаш комиссияси аъзолари таркибидан чиқарилади ҳамда унинг ўрни муқобил мутахассис билан тўлдирилади.

20. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш якуни бўйича саралаш комиссияси баённомаси тузилади ва у комиссия раиси, котиби ва инновацион ғояларни баҳолашда қатнашган саралаш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

21. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш якуни бўйича тузилган баённомада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

биринчи босқич ўтказилган жойи ва санаси, бошланган ва якунланган вақти;

биринчи босқичда қатнашган саралаш комиссия аъзоларининг рўйхати;

биринчи босқичда қатнашган ва танловга келмаган талабгорлар рўйхати;

саралаш комиссия аъзолари томонидан қўйилган балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан, ҳар бир талабгор томонидан тўпланган баллар.

22. Саралаш комиссияси танловнинг биринчи босқичи якунида ғолибларни эълон қилади.

23. Таълим ташкилотлари ҳар йили 20 ноябрга қадар ғолиблар учун ажратилган маблағларни уларнинг номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб беради ҳамда тасдиқланган баённома ва уларнинг рўйхатини республика босқичида иштирок этадиган йўналишларини белгилаган ҳолда, Агентликка расмий равишда тақдим этади.

24. Таълим ташкилотлари танловнинг республика босқичида қатнашиши белгиланган талабгорларнинг унда иштирок этишини таъминлайди ҳамда хизмат сафари билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

3-боб. Танловнинг республика босқичини ўтказиш

25. Агентлик директори томонидан ҳар йили 10 ноябрга қадар танловнинг республика босқичида инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида танлов комиссияси тузилади ҳамда буйруғи билан тасдиқланади.

Буйруқда танлов комиссиясининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

26. Танлов комиссияси таркиби олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда йирик саноат тармоқларининг малакали мутахассислари, шунингдек, хусусий сектор вакилларидан иборат бўлади.

27. Танлов комиссиясига йўналишлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг вакили раислик қилади ҳамда йирик саноат тармоқларининг малакали мутахассиси котиб этиб тайинланади.

28. Агентлик танлов комиссия аъзоларини улар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузиш орқали жалб қилади.

29. Танлов комиссиясининг барча аъзолари Агентлик директорининг буйруғига кўра танлов якунлари бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида бир марталик (барча солиқлар ушлаб қолинган ҳолда) моддий рағбатлантирилади.

30. Танлов комиссия аъзоларини моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма томонидан Агентликни молиялаштириш бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

31. Агентлик ҳар йили 1 декабрга қадар талабгорлар рўйхатини шакллантиради, тақдимот ўтказиш санаси ва жойини белгилайди ҳамда таълим ташкилотларига хабар беради.

Бунда белгиланган муддатдан кейин Агентликка тақдим этилган талабгорлар рўйхати танловнинг республика босқичига қабул қилинмайди.

32. Танлов комиссияси ҳар йили 20 декабрга қадар инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.

33. Тақдимот жараёнида ғолиблар танлов комиссияси аъзолари томонидан берилган баллар умумий йиғиндисининг ўртача миқдори бўйича аниқланади.

34. Танловнинг республика босқичида тақдимотлар талабгорларнинг бевосита иштирокида ўтказилади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан иштирок этадиган талабгорлар тақдимотни масофавий шаклда ўтказиши мумкин.

36. Танлов комиссияси котиблари танловнинг республика босқичи бошлангунга қадар танлов комиссияси аъзосини талабгорларнинг яқин қариндоши эканлигини ёки танлов натижасидан бевосита манфаатдорлигини ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатларни аниқлаган тақдирда, ҳолат ҳақида Агентлик директорига хабар бериши шарт.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахслар Агентлик директори қарори асосида танлов комиссияси аъзолари таркибидан чиқарилади ҳамда унинг ўрни муқобил мутахассис билан тўлдирилади.

37. Танловнинг республика босқичини ўтказиш якуни бўйича танлов комиссияси баённомаси тузилади ва у комиссия раиси, котиби ва баҳолашда қатнашган бошқа аъзолар томонидан имзоланади.

38. Танлов комиссияси баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

республика босқичи ўтказилган жойи ва санаси, бошланган ва якунланган вақти;

республика босқичида қатнашган танлов комиссия аъзоларининг рўйхати;

республика босқичида қатнашган ва танловга келмаган талабгорлар рўйхати;

танлов комиссияси аъзолари томонидан қўйилган балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан, ҳар бир талабгор томонидан тўпланган баллар.

39. Танловнинг республика босқичида танлов комиссияси танлов якунларида йўналишлар бўйича ғолиблар рўйхатини ҳамда тасдиқланган баённомани Агентликка тақдим этади.

4-боб. Апелляция комиссиясини ташкил этиш

40. Танловнинг биринчи ва республика босқичи натижаларидан норози бўлган талабгорлар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида танловнинг тегишли босқичи бўйича апелляция комиссиясига ёзма мурожаат (шикоят) беришлари мумкин.

Бунда танловнинг биринчи босқичидаги шикоятларни кўриб чиқиш учун таълим ташкилотлари раҳбарлари томонидан Апелляция комиссияси тузилади ҳамда унга ўзлари раислик қилади.

Танловнинг республика босқичидаги шикоятларни кўриб чиқиш учун Агентлик томонидан Апелляция комиссияси (кейинги ўринларда – Апелляция комиссиялари) тузилади ҳамда унга Агентлик директори раислик қилади.

41. Апелляция комиссиялари таркиби Агентлик ходимлари ва соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат бўлади.

42. Апелляция комиссиялари таркибига саралаш ва танлов комиссияси аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

43. Апелляция комиссиялари мурожаат (шикоят) келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида мурожаат (шикоят)ни кўриб чиқади.

Зарур ҳолларда, мурожаат (шикоят) муаллифининг, тегишли саралаш ва танлов комиссияси аъзолари ҳамда танловнинг бошқа субъектларининг фикрини эшитади.

44. Апелляция комиссиялари йиғилиши унда комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

45. Апелляция комиссиялари танлов жараёнларига оид мурожаатни (шикоятни) кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

танловда талабгорларнинг инновацион ғояси тўғри баҳоланган бўлса, шунингдек, ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, танлов натижаларини ўзгартиришсиз қолдириш;

танловда талабгорларнинг инновацион ғояси саралаш ёки танлов комиссияси томонидан нотўғри баҳолангани аниқланган тақдирда, баҳолаш натижаларини ўзгартириш.

46. Апелляция комиссияларига бошқа талабгорларнинг ишларини кўриб чиқиш ва мурожаат қилувчининг иши билан солиштиришга рухсат берилмайди.

47. Саралаш ва танлов комиссияси томонидан баҳоланган талабгорнинг инновацион ғоясида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Апелляция комиссиялари саралаш ва танлов комиссияси қарорларини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Бунда Апелляция комиссиялари апелляция натижалари бўйича асослантирилган маълумотларни кўрсатган ҳолда, танлов натижаларини ўзгартириш тўғрисида баённомани расмийлаштиради.

48. Апелляция комиссиялари қарори йиғилиш баённомасида қайд этилади. Баённома раис ва аъзолар томонидан имзоланади.

49. Апелляция комиссияларининг қарорлари қарор қабул қилинган куннинг ўзида мурожаат қилувчига расмий равишда юборилади.

50. Апелляция комиссиялари қарорига мувофиқ танлов натижалари ўзгарган тақдирда, саралаш ёки танлов комиссиясининг қўшимча баённомаси расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

51. Талабгорлар Апелляция комиссиялари қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Танловда ғолибларни аниқлаш ҳамда тақдирлаш

52. Танловнинг биринчи ва республика босқичида инновацион ғоялар саралаш ва танлов комиссия аъзолари томонидан қуйидаги 100 баллик мезонлар асосида баҳоланади:

инновацион ғоянинг илмий ва инновацион янгилиги – 20 баллгача;

инновацион ғоянинг долзарблиги – 20 баллгача;

мавжуд аналоглардан фарқи – 20 баллгача;

QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

харажатлар сметасининг асосланган – 20 баллгача;

инновацион ғояни амалга оширишдан кутилаётган натижалар – 20 баллгача.

53. Танловнинг биринчи босқичида ғолиблар қуйидаги миқдорда грант маблағлари билан тақдирланади:

биринчи ўрин учун – 50 млн сўм;

иккинчи ўрин учун – 30 млн сўм;

учинчи ўрин учун – 20 млн сўм.

54. Танловнинг республика босқичида ғолиб деб топилган инновацион ғоялар Агентлик, талабгор ва ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ қуйидаги миқдорда молиялаштирилади:

биринчи ўрин учун – 500 млн сўм;

иккинчи ўрин учун – 300 млн сўм;

учинчи ўрин учун – 200 млн сўм.

Бунда Агентлик икки ой муддатда инновацион ғояларни молиялаштириш тўғрисида шартнома тузади ҳамда шартномага мувофиқ маблағларни таълим ташкилотларининг ҳисобварағига ўтказади.

55. Шартномада инновацион ғояни амалга ошириш муддатлари, амалга оширилган ишлар ва маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ҳисобот тақдим этиш шакли ҳамда мониторинг ўтказиш шартлари кўрсатилади.

56. Агентлик томонидан маблағларнинг шартнома шартларига мувофиқ мақсадсиз ишлатилганлик ҳолатини аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

57. Таълим ташкилотлари инновацион ғоя молиялаштирилганидан сўнг қуйидагиларни амалга оширади:

икки ой муддатда инновацион ғоя муаллифини қабул қилувчи хорижий ташкилот билан келишувга эришиш;

келишувга мувофиқ инновацион ғоя муаллифини хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастурига юбориш;

хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастури якунларида моддий-техник база билан таъминлаш.

6-боб. Якунловчи қоидалар

58. Танлов иштирокчиларини ҳомийлар ўз совғалари билан тақдирлашлари мумкин.

59. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

60. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

“Энг инновацион ғоя” республика
танловини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Танловни ташкил қилиш, инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш ҳамда уларни молиялаштириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Биринчи босқич шартлари ва талабгорлар томонидан саралаш комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналари ҳамда рўйхатини тасдиқлайди.	Ҳар йили 5 сентябрга қадар
2-босқич	Олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари)	1. Биринчи босқичда келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда саралаш комиссияларини тузади ҳамда ўз буйруғи билан тасдиқлайди. 2. Талабалар учун танловнинг биринчи босқичига аризалар қабули бошлангани тўғрисида ўзларининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон беради.	Ҳар йили 10 сентябрга қадар Ҳар йили 10 сентябрда
3-босқич	Талабгор *(олий таълим ташкилоти талабаси)*	Танловда саралаш комиссияси номига ариза бериш орқали фақатгина битта инновацион ғоя билан иштирок этади.	Ҳар йили 10 октябрга қадар
4-босқич	Саралаш комиссияси	Инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар
5-босқич	Таълим ташкилотлари	Ғолиблар учун ажратилган маблағларни уларнинг номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб беради ҳамда тасдиқланган баённома ва уларнинг рўйхатини республика босқичида иштирок этадиган йўналишларини белгилаган ҳолда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) расмий равишда тақдим этади.	Ҳар йили 20 ноябрга қадар

6-босқич	Агентлик	1. Республика босқичида инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида танлов комиссияси тузади ҳамда буйруғи билан тасдиқлайди. 2. Талабгорлар рўйхатини шакллантиради, тақдимот ўтказиш санаси ва жойини белгилайди ҳамда таълим ташкилотларига хабар беради.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар Ҳар йили 1 декабрга қадар
7-босқич	Танлов комиссияси	Инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.	Ҳар йили 20 декабрга қадар
8-босқич	Агентлик	Инновацион ғояларни молиялаштириш тўғрисида шартнома тузади ҳамда шартномага мувофиқ маблағларни таълим ташкилотларининг ҳисобварағига ўтказади.	2 ой муддатда
9-босқич	Таълим ташкилотлари	1. Инновацион ғоя муаллифини қабул қилувчи хорижий ташкилот билан келишувни амалга оширади. 2. Инновацион ғоя муаллифини хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастурига юборади. 3. Моддий-техник база билан таъминлайди.	2 ой муддатда Келишувга мувофиқ Акселерация, инкубация ёки стажировка дастури якунларида

QMMB: 09/26/463/0892-son
05.09.2026-y.

“Энг инновацион ғоя” республика
танловини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Республика босқичи ўтказиладиган йўналишлар
РЎЙХАТИ

1. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект
2. Молиявий технологиялар
3. Қишлоқ хўжалиги технологиялари
4. Киберхавфсизлик
5. Соғлиқни сақлаш
6. Фармацевтика
7. Мудофаа ва хавфсизлик
8. Энергия тежамкорлик
9. Сув хўжалиги технологиялари
10. Таълим ва илм-фан

Изоҳ. *Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мазкур йўналишларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*



QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

35 (1263)-son
885-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 464 Toshkent sh.

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумда илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий билим ва малакага эга бўлган, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида илғор технологияларни ўзлаштирган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш, бюджетдан ташқари маблағлар ва даромадлар жамғарилишини таъминлаш, шунингдек, техникум ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби;

Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш тартиби;

Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳамда Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан **ҳар йили 1 апрелга қадар** Жамғармага маблағлар ажратиб борсин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланишни режа асосида мониторинг қилсин;

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “4” сентябрдаги 464-сон қарорига
илова

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, Жамғарма фаолиятини бошқариш, унинг маблағларини тақсимлаш, ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг Фарғона вилояти Ғазначилик хизмати бошқармасида очилган Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумнинг (кейинги ўринларда – Техникум) бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ҳамда ушбу Низомда белгиланган мақсадлар учун сарфланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳамда Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳузуридаги Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (заруратга кўра техникумнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун талаб этиладиган маблағлар тегишли ҳисоб-китоблар асосида Касбий таълимни ривожлантириш жамғармасидан ажратилади);

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари ҳамда техник кўмаклари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

4. Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағлари Техникум томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига жойлаштирилиши мумкин. Олинадиган фоиз даромадлари ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган мақсадларга сарфлаш учун тақсимланади.

5. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари кейинги йилга ўтади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

6. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Техникумнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Техникум ходимларини моддий рағбатлантириш ва уларнинг малакасини ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида методик қўлланмаларни тайёрлаш ва оммалаштириш;

илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Техникум ўқув ва илмий лабораторияларини зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;

хорижий етакчи олим, профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни Техникумнинг ўқув ва илмий-методик жараёнига жалб этиш;

Техникумда ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш (ишчи гуруҳларнинг иш ҳақи, хизмат сафари ва бошқа харажатлар);

педагог кадрлар ва ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган республика танловлари ғолибларини тақдирлаш ва рағбатлантириш;

Техникум фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган ходимларни моддий рағбатлантириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд ва етим болалар тоифаларига кирувчи ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари (бир йилда бир ўқувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан ошмайдиган бир марталик моддий ёрдам);

хорижий делегацияларни кутиб олиш, транспорт хизмати, таржимонларни жалб қилиш, совға ва сувенирлар сотиб олиш, овқатлантириш;

Техникум раҳбар ва ходимларини тажриба ўрганиш ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадларида хорижий хизмат сафарига юбориш;

Техникум фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

7. Жамғарма маблағлари ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ шакллантирилади.

8. Техникумнинг келгуси йилга режалаштирилган тадбирлари учун буюртманома Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Фарғона вилояти касбий таълим бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма)га Техникум томонидан ҳар йили 5 декабрга қадар тақдим этилади.

9. Бошқарма ҳар йили 15 декабрга қадар Техникум томонидан тақдим қилинган буюртманомани кўриб чиқади ва Агентликка юборади.

Бунда Агентлик Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Ўзбекистон фермерлари кенгашига ҳар йили 25 декабрга қадар Жамғармага маблағ ажратиш юзасидан (буюртманомани илова қилган ҳолда) мурожаат қилади.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳар йили 1 апрелга қадар Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳамда Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан Жамғармага маблағ ажратиш чораларини кўради.

11. Техникум раҳбар ходимлари, педагог кадрлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг фаолиятини ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида уларга қуйидаги миқдорларда базавий тариф ставкаларига нисбатан устама ҳақ белгиланади:

65 – 70 балл тўпласа – 40 фоиз;

71 – 75 балл тўпласа – 50 фоиз;

76 – 80 балл тўпласа – 60 фоиз;

81 – 85 балл тўпласа – 70 фоиз;

86 – 90 балл тўпласа – 80 фоиз;

91 – 95 балл тўпласа – 90 фоиз;

96 – 100 балл тўпласа – 100 фоиз.

Техникум раҳбар ходимлари, педагог кадрлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ушбу ҳар ойлик устамалар ўтган ўқув йили якунлари бўйича янги ўқув йили давомида Жамғарма ҳисобидан тўланади.

Бунда бошқа ходимлар фаолиятини баҳолаш мезонлари назарда тутилмайди, мазкур ходимларга тегишли директор ўринбосарлари ва касаба уюшмасининг билдиргиси асосида ҳар ойлик устама белгилаш, мукофотлар ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш Техникум директорининг буйруғи асосида белгиланади.

12. Жамғарма маблағларини шакллантиришда ҳужжатлар ва маълумотларнинг асосланганлиги ва тўғрилиги юзасидан Техникум директори ва бош ҳисобчиси жавобгардир.

13. Жамғарма маблағларидан унинг тасдиқланган харажатлар сметаси асосида фойдаланилади.

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

Жамғарманинг харажатлар сметаси Техникум томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва тасдиқланади ҳамда Фарғона вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

4-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш

14. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш учун камида етти кишидан иборат таркибда тоқ сонда Жамғармани бошқариш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

Комиссия таркиби Техникум педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Техникум директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Техникум директори лавозимига кўра Комиссия раиси ҳисобланади.

Комиссия аъзолари таркиби шаффофликни таъминлаш мақсадида, ҳар ўқув йилининг бошида Техникумнинг педагогик кенгаши йиғилишида қайта кўриб чиқилади.

15. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳисобот йили якуни бўйича Жамғарма маблағларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

16. Комиссия раиси:

Комиссия мажлиси кун тартибини белгилайди ва тасдиқлайди;

Комиссия қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Комиссия аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради.

17. Комиссия аъзолари:

Комиссия мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этади;

Техникум фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Комиссияга таклифлар киритади;

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз беради;

Комиссия мажлисларида шахсан қатнашадилар. Бунда қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, Комиссия аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

18. Комиссия котиби:

Комиссия мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Комиссия раиси билан келишади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳасидан хабардор қилади;

Комиссия қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

ҳужжатларнинг юритилиши ва сақланишини таъминлайди;

Комиссия баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Комиссия аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

19. Жамғарма фаолиятини бошқариш бўйича Комиссия муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан Комиссия мажлиси 6 ойда камида бир марта, истисно ҳолларда, заруратга кўра ўтказилади.

Зарур ҳолларда, Комиссия раисининг ташаббуси ёки Комиссия аъзоларидан камида икки нафарининг таклифига кўра, Жамғарма маблағлари сарфланиши ва тақсимланиши масаласида Комиссиянинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

20. Комиссия иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Комиссия ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

21. Комиссия мажлиси Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми, шу жумладан, Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари иштирок этганда ўтказилган ҳисобланади.

Мазкур қоида ижроси таъминланмаган тақдирда, Комиссия мажлиси ўтказилмаган ҳисобланади ва уни ўтказишнинг янги санаси белгиланади.

22. Комиссия мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, Техникум ходимлари таклиф этилиши мумкин.

23. Комиссия қарори Комиссиянинг мажлисида қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарорлари Комиссия мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Комиссия мажлисининг баённомаси Комиссия раиси ва котиби томонидан уч кун муддат ичида тасдиқланади ҳамда Техникумнинг муҳри қўйилади.

Баённомада белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш учун Техникум директори буйруғи уч кун ичида қабул қилинади.

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

5-боб. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш

24. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Техникумнинг бош ҳисобчиси томонидан амалга оширилади.

25. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Техникумнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан алоҳида юритилади.

26. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ҳар йили 31 декабрга қадар Бошқармага тақдим қилинади.

27. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

28. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникум	Техникумнинг келгуси йилга режалаштирилган тадбирлари учун буюртманомани Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Фарғона вилояти касбий таълим бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма)га тақдим қилади.	Ҳар йили 5 декабрга қадар
2-босқич	Бошқарма	Техникум томонидан тақдим қилинган буюртманомани кўриб чиқади ва Агентликка юборади.	Ҳар йили 15 декабрга қадар
3-босқич	Агентлик	Техникум томонидан тақдим қилинган буюртманомани кўриб чиқади ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермерлари кенгашига юборади.	Ҳар йили 25 декабрга қадар
4-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳамда Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маблағлар ажратади.	Ҳар йили 1 апрелга қадар

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникумни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Техникум раҳбар ходимлари, педагог кадрлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг фаолиятини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар	Балл
1.	**Семестр якунида ўқув фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси (сифат кўрсаткичи)**	**Максимал 10 балл**
	Сифат кўрсаткичи 86-100 фоиз оралиғида	*10 балл*
	Сифат кўрсаткичи 71-85 фоиз оралиғида	*7 балл*
	Сифат кўрсаткичи 56-70 фоиз оралиғида	*4 балл*
2.	**Ўқувчиларининг эришган ютуқлари учун**	**Максимал 12 балл**
	Камида бир нафар ўқувчиси халқаро WorldSkills, олимпиада ёки шу каби мусобақаларнинг республика босқичида 1–3-ўринларни қўлга киритган бўлса	*6 балл*
	Камида бир нафар ўқувчиси халқаро WorldSkills, олимпиада ёки шу каби мусобақаларнинг вилоят босқичида 1–3-ўринларни қўлга киритган бўлса	*4 балл*
	Камида бир нафар ўқувчиси ҳудудий WorldSkills, олимпиада ёки шу каби мусобақаларда республика ёхуд вилоят босқичида иштирок этган бўлса	*2 балл*
3.	**Ўқув йили давомида ташкил этилган очиқ дарслар учун** *(ҳар семестр учун алоҳида ҳисобланади, бир семестр учун ўтилган очиқ дарс бошқа семестр учун ҳисобланишига йўл қўйилмайди)*	**Максимал 5 балл**
	Семестр давомида 3 та ва ундан ортиқ очиқ дарс учун	5 балл
	Семестр давомида 2 та очиқ дарс учун	3 балл
4.	**Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг электрон портфолиоси учун**	**Максимал 10 балл**
	86-100 балл оралиғида баҳоланганда	*10 балл*
	65-85 балл оралиғида баҳоланганда	*8 балл*
	40-64 балл оралиғида баҳоланганда	*5 балл*
	20-39 балл оралиғида баҳоланганда	*3 балл*
	20 баллдан паст баҳоланганда	*0 балл*
5.	**Таълим ташкилотидаги самарали меҳнат фаолияти учун** *(Таълим ташкилотининг педагог кенгаши қарори асосида)*	**Максимал 7 балл**

	Ўқув йили давомида жамоат ишларида энг фаол деб топилганда *(ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари умумий сонининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим)*	*7 балл*
	Ўқув йили давомида жамоат ишларида фаол деб топилганда *(ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари умумий сонининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим)*	*2 балл*
6.	**Ўз малакасини оширишдаги фаолияти**	**Максимал 5 балл**
	Белгиланган муддатда малака ошириш курсидан ўтгани учун *(сертификатнинг амал қилиш даври учун)*	*3 балл*
	Ўқув йили давомида йўналиши бўйича камида 1 та семинар-тренинг ёки конференцияда иштирок этгани учун	*2 балл*
7.	**Хорижий тилларни билиш даражаси учун**	**Максимал 10 балл**
	B2 даражасида миллий сертификат ёки унга тенглаштирилган халқаро тест тизимлари сертификати *(чет тили ўқитувчилари учун иккинчи хорижий тил бўйича)* мавжуд бўлса	*10 балл*
	B1 даражасида миллий сертификат ва унга тенглаштирилган халқаро тест тизимлари сертификати *(чет тили ўқитувчилари учун иккинчи хорижий тил бўйича)* мавжуд бўлса	*7 балл*
8.	**Компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси учун**	**Максимал 6 балл**
	Интернет ресурслари, мультимедиа воситалари ва контентлардан мақсадли фойдалана олса ва офис дастурлари ёрдамида ўқув-услубий, кўргазмали материалларни тайёрлай олса	*6 балл*
	Офис дастурлари (*матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот)* ёрдамида ўқув-услубий, кўргазмали материалларни тайёрлай олса	*4 балл*
	Компьютер тузилиши ва имкониятларини билса, офис дастурларидан *(матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот)* фойдалана олса	*2 балл*
9.	**Яратган дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва ўқитиш материаллари тўплами учун**	**Максимал 10 балл**
	Охирги уч ўқув йилида яратилган дарсликлар ёки ўқув қўлланмалари учун	*5 балл*
	Охирги икки ўқув йилида яратилган ўқитиш материаллари тўплами, услубий қўлланмалар ёки методик тавсиялар учун *(ҳудуд даражасида оммалаштирилган бўлса)*	*5 балл*
10.	**Илмий, илмий-оммабоп журналларда ва амалий семинарларда ўз йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари ёки тезислари учун**	**Максимал 7 балл**

	Охирги уч йилда хорижий илмий журналларда чоп этилган илмий мақола ёки тезислар учун	*3 балл*
	Халқаро ва республика миқёсида охирги ўқув йили мобайнида чоп этилган мақола ёки тезислар учун	*3 балл*
	Ҳудуд миқёсида охирги ўқув йили мобайнида чоп этилган мақола ёки тезислар учун	*1 балл*
11.	**Илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётгани учун**	**Максимал 6 балл**
	Фан доктори (DSc) даражаси учун илмий тадқиқот фаолиятини олиб бораётган бўлса	*6*
	Фалсафа доктори (PhD) даражаси учун илмий тадқиқот фаолиятини олиб бораётган бўлса	5
12.	**Таълим ташкилоти томонидан ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда иштироки учун**	**Максимал 7 балл**
	Тадбир ташкилотчиси сифатида	*5 балл*
	Тадбир иштирокчиси сифатида	*2 балл*
13.	**Мукофотлангани учун**	**Максимал 5 балл**
	Педагогик фаолияти давомида Давлат мукофоти билан тақдирлангани учун	*3 балл*
	Педагогик фаолияти давомида халқаро тан олинган мукофотлар билан тақдирлангани учун	*2 балл*
Жами максимал балл		**100 балл**
14.	**Қўлланадиган жарима баллари**	**-10**
1.	Сабабсиз ўқув машғулотини ўтказмаслик *(педагогнинг айби билан)*	-2
2.	Ўқув машғулотларига кечикиб кириш, муддатидан аввал тугатиш ёки машғулот хонасини тарк этиш	-2
3.	Ўқув машғулотини тайёргарлик кўрмаган ҳолда ўтказиш *(машғулотга услубий-методик материалларсиз/адабиётларсиз кириш)*	-2
4.	Таълим жараёнларини бошқарувчи ҳамда таълим сифатини назорат қилувчи ахборот тизимига ресурсларни ўз вақтида юкламаслик	-2
5.	Техникумнинг кун тартиби, ички меҳнат тартиби ёки бошқа педагогик этика қоидаларини бузиш	-2

Изоҳ: *Баҳолаш мезонининг 2-бандида кўрсатилган баллар охирги 2 йилда WorldSkills ва шу каби мусобақаларга мос келувчи тегишли касб ёки мутахассислик ўқув режасидаги махсус фанлар ва ўқув амалиётлари учун бириктирилган ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарининг ҳар бирига берилади. Бундан ташқари фан олимпиадалари бўйича тегишли фан ўқитувчилари учун балл белгиланади.*

QMMB: 09/26/464/0894-son
05.09.2026-y.

Жорий йилда олий таълим ташкилотларини тамомлаган (бакалавр ва магистр) битирувчиларга навбатдаги мақсадли малака ошириш муддатига қадар баҳолаш мезонининг 6-бандининг биринчи қисми бўйича 3 балл берилади.

Баҳолаш мезонининг 8-банди бўйича мутахассислардан иборат ташкил этилган ишчи гуруҳ соҳага оид саволлар билан ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг билимини баҳолайди ҳамда ишчи гуруҳнинг тегишли қарори таълим ташкилоти раҳбарига тақдим этилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/466/0896-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
886-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 466 Toshkent sh.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнес юритишни ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 14 ноябрдаги ПФ–214-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган жариманинг 10 фоизини ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган жисмоний ва юридик шахсларга тўлаш бўйича Ягона биллинг тизими ҳамда ғазначилик тизимларига тегишли ўзгартириш киритсин.

3. Адлия вазирлиги **икки ой муддатда** ушбу қарор билан тасдиқланган Низомга асосан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида “Лицензия” ахборот тизими ҳамда Адлия вазирлигининг мобил иловалари орқали хабар бериш имкониятини яратсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO'LIM 1

QMMB: 09/26/466/0896-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "4 сентябр даги 466-сон қарорига
илова

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний ва юридик шахслар томонидан аниқланган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида ваколатли органларга хабар бериш, уларни кўриб чиқиш ҳамда хабар берган жисмоний ва юридик шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли органлар – фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек, махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар;

махсус электрон тизим – лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган махсус электрон тизим;

хабардор қилувчи – лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахслар;

ҳуқуқбузар – фаолият билан лицензиясиз, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ва ваколатли органни хабардор этмасдан шуғулланган жисмоний ва юридик шахслар;

ҳуқуқбузарлик – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165-моддасининг иккинчи – тўртинчи қисмлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунининг 52-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига асосан жарима қўлланишига сабаб бўладиган фаолият билан лицензиясиз, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ва ваколатли органни хабардор этмасдан шуғулланиш, шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганда бундай фаолият билан шуғулланиш.

3. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахслар ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида рағбатлантирилади.

2-боб. Ваколатли органларга ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш

4. Хабардор қилувчи ҳуқуқбузарлик ҳақида ваколатли органларга махсус электрон тизим ёки Адлия вазирлигининг мобил иловаси орқали хабар беради.

Ушбу хабарда қуйидагилар кўрсатилади:

хабардор қилувчи жисмоний шахснинг паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (шу жумладан, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

хабардор қилувчи юридик шахснинг номи ва СТИРи;

хабардор қилувчининг телефон рақами;

хабардор қилувчининг банк картаси рақами (ҳисобварағи);

ҳуқуқбузарлик тури;

ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудуд;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс эттирилган фото ёки видеоёзувлар (агар мавжуд бўлса);

ҳуқуқбузар ҳақида қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида тушунтириш.

Бунда ушбу бандда назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

5. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видеоматериалларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

содир этилган ҳуқуқбузарлик;

ҳуқуқбузар тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

ҳуқуқбузарлик содир этилган санаси ва вақти.

6. Ҳуқуқбузарлик акс эттирилган фото ва видеоматериалларга ҳар қандай тарзда ўзгартиришлар киритиш тақиқланади. Ўзгартириш киритилган фото ва видеоматериаллар кўриб чиқилмайди, ҳажмини қисқартириш мақсадида фото ва видеоматериалларнинг бевосита ҳуқуқбузарлик акс эттирилган қисмини кесиб олиш бундан мустасно (қоида тариқасида, видеоматериалларнинг давомийлиги 120 сониядан ошмаслиги лозим).

7. Ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабар қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмасдан қолдирилади:

мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

маълумотлар ҳақиқийлиги тасдиқланмаганда ёки фаолиятни амалга ошириш бўйича тегишли лицензия, рухсатнома ва хабарномалар мавжуд бўлганда;

айнан бир ҳуқуқбузарлик бўйича олдин хабар берилган бўлса;

ҳуқуқбузар фаолиятида айнан шу ҳуқуқбузарлик юзасидан текшириш ўтказилаётган бўлса.

Бунда тегишли асосларни кўрсатган ҳолда, ваколатли орган томонидан хабарни кўриб чиқишни рад этиш тўғрисида уч иш кунида қарор қабул қилинади ҳамда бу ҳақида хабардор қилувчига махсус электрон тизим орқали ёки унинг телефон рақамига СМС-хабарнома шаклида хабар юборади.

8. Хабардор қилувчи томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилгани юзасидан берилган хабарлар ваколатли орган томонидан ўн иш куни давомида кўриб чиқилади.

9. Хабардор қилувчи томонидан ҳуқуқбузарлик тўғрисида юборилган ҳолатлар ва материаллар Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилади.

10. Айнан бир ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабар бир нечта хабардор қилувчилардан олинган тақдирда, ваколатли орган томонидан хабар биринчи келиб тушган хабарга асосан кўриб чиқилади.

Бунда биринчи келиб тушган хабар ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагани сабабли рад этилган тақдирда, кейинги келиб тушган хабар умумий тартибда кўриб чиқилади.

11. Хабарни текшириш натижасига кўра ҳуқуқбузарлик содир этилганлик факти аниқланган тақдирда, ваколатли орган қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқбузарга жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Хабарни текшириш натижасига кўра ҳуқуқбузарлик содир этилганлик факти тасдиқланмаса, ваколатли орган хабарнома рад этиш ҳақида тегишли асосларни кўрсатган ҳолда қарор қабул қилинади.

13. Ваколатли орган хабарда кўрсатилган ҳуқуқбузарлик ҳолатини текшириш натижалари тўғрисида хабардор қилувчини махсус электрон тизим орқали ёки унинг телефон рақамига СМС-хабарнома шаклида хабар юборади.

3-боб. Хабардор қилувчиларни рағбатлантириш тартиби

14. Хабардор қилувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ўз тасдиғини топган ҳамда берилган хабарга асосан ваколатли орган ёки суднинг жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори асосида айбдор шахсдан жарима ундирилган тақдирда, хабардор қилувчи ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдорида бир марталик пул мукофоти (кейинги ўринларда – пул мукофоти) шаклида рағбатлантирилади. Хабардор қилувчи томонидан пул мукофотини олиш ихтиёрий ҳисобланади.

15. Ҳуқуқбузар томонидан жарима тўлангандан сўнг ваколатли орган бир иш кунида пул мукофотини хабардор қилувчининг банк картасига (ҳисобварағига) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ўтказиб беради.

16. Ҳуқуқбузардан ундирилган жарималар ҳисобидан хабардор қилувчига пул мукофоти тўлангандан сўнг қолган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган хабардор қилувчилар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Хабардор қилувчилар ваколатли органларнинг қарорлари ва улар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

19. Хабардор қилувчилар тадбиркорларга зарар етказадиган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган асоссиз хабар берган ҳамда ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/466/0896-son
07.09.2026-y.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар
ҳақида ваколатли органларга хабар берган
жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ваколатли органларга хабар бериш			
1-босқич	Жисмоний ва юридик шахслар	Махсус электрон тизим ёки Адлия вазирлигининг мобил иловаси орқали лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида ваколатли органларга хабар беради.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли органлар	Ҳуқуқбузарлик содир этилгани ҳақида берилган хабарни кўриб чиқади.	10 иш кунида
II. Пул мукофотини тўлаш			
3-босқич	Ваколатли органлар	1. Текширув натижаларига кўра ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга тегишли тартибда жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Ҳуқуқбузарлик ҳолати тасдиқланмаган ҳолларда, бу ҳақидаги маълумотларни хабардор қилувчига юборади.	1 иш кунида
4-босқич	Ваколатли органлар	Айбдор шахслар томонидан тўланган жарималарнинг 10 фоизи миқдоридаги бир марталик пул мукофотини жисмоний ва юридик шахснинг банк картасига (ҳисобварағига) ўтказади.	1 иш кунида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
887-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 467 Toshkent sh.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали тўлиқ электрон шаклда кўрсатиш;

халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, аризаларни қабул қилишнинг аниқ муддатлари ҳамда иштирокчиларни баҳолашнинг шаффоф мезонларини белгилаш.

2. Туризм қўмитаси Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 ноябрга** қадар:

ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилишини таъминласин;

давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар реал вақт режимида кўриб чиқилишини кузатиб бориш имкониятини яратсин.

3. Адлия вазирлиги давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 4 ” сентябрдаги 467-сон қарорига
илова

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туроператорлар, жойлаштириш воситалари, транспорт ташкилотлари ва туризм соҳасида фаолият юритадиган бошқа тадбиркорлик субъектларини (кейинги ўринларда – туризм соҳаси субъектлари) аниқлаш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмалари доирасида ташкил этиладиган Ўзбекистоннинг ягона миллий стендида (кейинги ўринларда – миллий стенд) иштирок этиш истагида бўлган Давлат хизматлари маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Туризм қўмитаси ҳузуридаги “Миллий PR-маркази” давлат муассасасига ариза билан мурожаат қилувчи туризм соҳаси субъектлари;

иштирокчи – Туризм қўмитаси ҳузуридаги “Миллий PR-маркази” давлат муассасаси томонидан халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмалари доирасида ташкил этиладиган миллий стендда иштирок этиш учун аниқланган туризм соҳаси субъекти;

Марказ – Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги “Миллий PR-маркази” давлат муассасаси;

халқаро туризм кўргазмаси – туризм соҳасида турли мамлакатлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз маданияти, маданий мероси, сайёҳлик имкониятлари ва меҳмонхона хизматларини намойиш этадиган ихтисослаштирилган халқаро кўргазма;

халқаро туризм ярмаркаси – туризм соҳасида турли мамлакатларнинг сайёҳлик компаниялари ҳамда туризм соҳасининг бошқа номзодлари томонидан ўз хизматлари ва маҳсулотларини харидорларга тақдим этишга ихтисослаштирилган халқаро даражада ўтказиладиган тадбир.

3. Давлат хизмати Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали Марказ томонидан кўрсатилади.

4. Миллий стенд учун майдонларни ижарага олиш, стенднинг дизайн ва безатиш ишлари билан боғлиқ харажатлар Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) тасдиқланган сметаси доирасида ажратилган маблағлар, ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда қўшимча хизматлар туризм соҳаси субъектлари ва Марказ ўртасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган пуллик шартнома шартларига ва ўзаро келишувга мувофиқ кўрсатилади.

5. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

2-боб. Ариза бериш тартиби ва шартлари

6. Марказ ҳар бир халқаро туризм ярмаркаси ва кўргазмаси (кейинги ўринларда – халқаро тадбир) ўтказилишидан камида 120 календарь кун олдин бу ҳақидаги эълонни ўзининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларига жойлаштиради, олдиндан режалаштирилмаган халқаро тадбирлар бундан мустасно.

7. Ҳар бир халқаро тадбирларда миллий стенд учун ажратиладиган ижара майдонининг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳаси субъектлари учун ажратиладиган жойлар сони (лимит) Марказ томонидан белгиланади.

8. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келган ҳолда мурожаат қилади ёки давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Бунда ариза қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

виза талаб қилинадиган давлатларда ўтказиладиган халқаро тадбирларда иштирок этиш учун – халқаро тадбир тўғрисида эълон берилган кундан бошлаб (бироқ, тадбир ўтказилишидан камида 100 календарь кун олдин);

виза талаб қилинмайдиган давлатларда иштирок этиш учун – халқаро тадбир тўғрисида эълон берилган кундан бошлаб (бироқ, тадбир ўтказилишидан камида 30 календарь кун олдин).

9. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат қилган тақдирда, Давлат хизмати маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда эса, мустақил равишда Регламентга 2-иловага мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

10. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди.

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

3-боб. Иштирокчини аниқлаш

11. Марказ ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади ҳамда уларнинг ушбу Регламент талабларига мувофиқлиги юзасидан аризани қабул қилиш ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Камчиликлар сабабли аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда, асослантирилган хабарнома шу куннинг ўзида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборилади.

12. Ушбу Регламентнинг 8-бандида белгиланган аризаларни қабул қилиш муддати якунлангандан сўнг Марказ беш иш куни ичида қуйидаги рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

қабул қилинган аризалар сони ажратилган квотадан (лимитдан) ошмаган тақдирда, талабларга жавоб берадиган барча ариза берувчиларнинг халқаро тадбирда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида;

келиб тушган аризалар сони ажратилган квотадан (лимитдан) ошиб кетган тақдирда, ушбу Регламентга 3-иловада белгиланган баҳолаш мезонига мувофиқ энг юқори балл тўплаган ариза берувчиларга рухсат бериш тўғрисида.

Бунда ажратилган квотадан (лимитдан) ортиб қолган, шунингдек, баҳолаш натижаларига кўра етарли балл тўплай олмаган номзодларнинг халқаро тадбирда иштирок этиши рад этилади.

Агар баҳолаш натижаларига кўра бир нечта ариза берувчиларнинг тўплаган баллари тенг бўлиб қолса ва уларнинг сони ажратилган квотадан (лимитдан) ортиқ бўлса, иштирокчилар давлат хизматидан фойдаланиш учун ариза (сўровнома) юборилган вақтнинг кетма-кетлигига (соати ва дақиқасига) қараб, олдинроқ мурожаат қилганлар орасидан аниқланади.

13. Халқаро тадбирда иштирок этишга рухсат бериш ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган куннинг ўзида унинг электрон нусхаси Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборилади.

14. Давлат хизматини кўрсатиш ариза берувчининг аризасидаги маълумотларнинг ноаниқлиги ёки у тўғрисидаги маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланган тақдирда рад қилинади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслик важи билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Аризадаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

15. Ушбу Регламентнинг 11-бандига мувофиқ аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда, ариза берувчи рад этишга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиб, мазкур Регламентнинг 8-бандида белгиланган аризаларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар аризани такроран тақдим этиши мумкин.

Такроран тақдим этилган ариза Марказ томонидан у қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича рад этиш ёки илгари кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган тақдирда, қайта рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ушбу Регламентнинг 12-бандига мувофиқ қабул қилинган қарорлар (квота ёки балл тизими бўйича рад этиш) бўйича қуйидаги тартибда шикоят қилинади:

ариза берувчи якуний рад этиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу қарорни олган кундан бошлаб беш иш куни ичида Марказнинг юқори турувчи органига белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

юқори турувчи орган шикоятни у келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқади;

шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор шу куннинг ўзида ариза берувчига электрон шаклда юборилади. Бунда юқори турувчи орган томонидан шикоят қаноатлантирилганда, ушбу ариза берувчи квота доирасида иштирокчи этиб белгиланади;

ариза берувчи юқори турувчи органнинг қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

17. Халқаро тадбирда иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектлари қуйидаги тоифалар бўйича аниқланади:

I тоифа – туроператорлар;

II тоифа – жойлаштириш воситалари;

III тоифа – транспорт ва авиация ташкилотлари;

IV тоифа – иштирок этиш истагини билдирган туризм соҳасида фаолият юритадиган бошқа тадбиркорлик субъектлари.

Туризм соҳасида фаолият юритадиган бошқа тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар киради:

экскурсия ва гид (экскурсовод) хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари;

миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва туристларга таклиф этиш (реализация қилиш) билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари;

сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари;

туристларга умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш объектлари;

туризмга оид кўнгилочар, маданий ва рекреацион хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари (аттракционлар, этноқишлоқлар, маданий-томоша тадбирлари ташкилотчилари ва бошқалар).

Халқаро тадбирда иштирок этиш учун ажратилган жойлар сони қуйидаги тоифаларга бўлинади:

туроператор учун – 60 фоиз;

жойлаштириш воситалари учун – 15 фоиз;

транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар учун – 15 фоиз;

туризм соҳасида фаолият юритадиган бошқа тадбиркорлик субъектлари учун – 10 фоиз.

Жойлаштириш воситалари, транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолият юритадиган бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан халқаро тадбирда иштирок этиш учун қизиқиш билдирилмаган тақдирда, улар учун ажратилган ўринлар туроператорлар ўртасида тақсимланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Давлат хизматлари маркази ва Марказ ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

19. Туризм соҳаси субъектлари Давлат хизматлари маркази ва Марказ ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

20. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	“Миллий PR-маркази” ДМ (Марказ)	Халқаро туризм ярмаркаси ва кўргазмаси (кейинги ўринларда – халқаро тадбир) ўтказилиши ҳақида ўзининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон жойлаштиради, шунингдек, Ўзбекистоннинг ягона миллий стендида ижара майдонидан келиб чиқиб жойлар сонини (лимитни) белгилайди.	Халқаро тадбир ўтказилишидан камида 120 календарь кун олдин
2-босқич	Ариза берувчи (туризм соҳаси субъекти)	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтган ҳолда сўровномани тўлдиради.	Виза талаб этилса: тадбирдан камида 100 календарь кун олдин; Виза талаб этилмаса: тадбирдан камида 30 календарь кун олдин
3-босқич	Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП	Ариза берувчи номидан (шахсан келганда) ёки мустақил равишда (ЯИДХП орқали) электрон сўровнома тўлдиради ва автоматлаштирилган тизим орқали Марказга юборади.	Реал вақт режимида *(сўровнома тўлдирилиши билан)*

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

4-босқич	Марказ	1. Келиб тушган ариза ва маълумотларни кўриб чиқади. 2. Уларнинг Регламент талабларига мувофиқлиги юзасидан аризани қабул қилиш ёхуд камчиликлар сабабли рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва хабарнома юборади.	Ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Қарор қабул қилинган куннинг ўзида
5-босқич	Ариза берувчи ва Марказ *(Такрорий мурожаат)*	1. Биринчи босқичда аризаси рад этилган ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб, аризани такроран тақдим этади. 2. Марказ такрорий аризани қайта кўриб чиқади.	Аризаларни қабул қилиш муддати якунланганига қадар 2 иш куни ичида
6-босқич	Марказ	Ариза қабул қилиш муддати якунлангач, қуйидаги қарордан бирини қабул қилади: ажратилган квотадан (лимитдан) ошмаган тақдирда, талабларга жавоб берадиган барча ариза берувчиларга рухсат бериш тўғрисида; ажратилган квотадан (лимитдан) ошиб кетган тақдирда, Регламентга 3-иловадаги мезонлар бўйича баҳолаб, I-IV тоифадаги энг юқори балл олганларга рухсат бериш, етарли балл тўплай олмаган номзодларни эса рад этиш тўғрисида.	Аризаларни қабул қилиш муддати якунланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида
7-босқич	Марказ	Халқаро тадбирда иштирок этишга рухсат бериш ёхуд рад этиш тўғрисидаги қарорнинг электрон нусхасини Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборади.	Қарор қабул қилинган куннинг ўзида
8-босқич	Ариза берувчи ва Марказ	Иштирокчи сифатида аниқланган туризм фаолияти субъектлари билан миллий стенддаги қўшимча хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузади.	Келишувга мувофиқ *(тадбир бошлангунига қадар)*

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида
иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини
аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот	
1.1. Фамилияси:	
1.2. Исми:	
1.3. Отасининг исми:	
1.4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
II. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот	
2.1. Юридик шахснинг СТИР:	
2.2. Юридик шахснинг номи:	
2.3. Юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили):	
2.4. Банк МФО:	
2.5. Банк номи:	
2.6. Банкдаги ҳисобварағи:	
2.7. Электрон почта манзили:	
2.8. Юридик шахс телефон рақами:	
III. Ариза берувчи тоифаси	
Қуйидагилардан бирини танланг:	
☐Туроператор	☐ Жойлаштириш воситаси
☐ Транспорт хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ташкилот	☐ Бошқа ташкилот (кўрсатинг):_____
IV. Ариза берувчининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар	
4.1. Расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда саҳифалари мавжудлиги:	
☐ мавжуд	☐ мавжуд эмас
4.2. Ходимларнинг чет тилларини билиш даражаси (миллий/халқаро сертификатлар) ҳамда амалдаги туроператор ёки гидлик сертификатига эга ходимлар сонини белгиланг:	
☐ 1–3 нафар ходим	☐ 4–6 нафар ва ундан ортиқ ходим
☐ малакали ходим мавжуд эмас	

4.3. Охирги бир календарь йил давомида жалб қилинган туристлар сонини белгиланг:	
☐ 100 нафардан 500 нафаргача	☐ 501 нафардан 800 нафаргача
☐ 801 нафардан 1000 нафаргача	☐ 100 нафардан кам
4.4. Ҳар бир амалдаги ва тасдиқланган туристик маҳсулотлар (турпакетлар) сони:	
4.5. Барқарор ва экологик туризм стандартларига риоя этилиши, тегишли халқаро ёки миллий мувофиқлик сертификати мавжудлиги:	
☐ мавжуд	☐ мавжуд эмас
V. Халқаро тадбир тўғрисидаги маълумотлар	
5.1. Иштирок этиладиган халқаро туризм ярмаркаси ёки кўргазмаси номи:	
5.2. Ўтказилиш саналари:	____ / ____ / _____ дан ____ / ____ / _____ гача
5.3. Ўтказилиш жойи (шаҳар, мамлакат):	
VI. Имзоловчи шахс тўғрисидаги маълумотлар	
6.1. Ф.И.О.:	
6.2. Лавозими:	
6.3. Аризани қайси асосда имзолаяпсиз?	
☐ Ташкилот раҳбариман	☐ Раҳбар эмасман, ваколатни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади
6.4. Алоқа учун масъул шахс (агар имзоловчидан бошқа бўлса):	
Ф.И.О.:_____	
Телефон: _____	
Электрон почта: _____	
VII. Тасдиқлаш ва розилик	
☐ Сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғри ва ишончли эканлигини тасдиқлайман.	
☐ Нотўғри маълумот тақдим этилган тақдирда, қонунчиликда белгиланган жавобгарликни тушунаман.	
☐ Шахсий маълумотларимни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ қайта ишлашга розилик бераман.	
VIII. Электрон тасдиқлаш	
Мазкур сўровнома my.gov.uz портали орқали электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланади.	

Изоҳ. *Сўровнома фақат электрон шаклда тўлдирилади. Ариза берувчидан "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинадиган маълумотлар талаб этилмайди.*

QMMB: 09/26/467/0899-son
07.09.2026-y.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини аниқлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

Халқаро туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида иштирок этиш учун туризм соҳаси субъектларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезони	Кўрсаткичлар	Максимал балл
1.	Веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги фаоллик	Расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда саҳифаларнинг мавжудлиги: расмий веб-сайт ва саҳифалар мавжуд бўлса – 5 балл; саҳифалар фаол юритилса (сўнгги 1 ойда мунтазам янгиланган бўлса) – 10 балл; мавжуд эмас – 0 балл.	15
2.	Кадрлар салоҳияти ва профессионал квалификация	Ходимларнинг чет тилларини билиш даражаси (миллий/халқаро сертификатлар) ҳамда амалдаги туроператор ёки гидлик сертификатига эга ходимлар сони: 1–3 нафар ходим мавжуд бўлса – 5 балл; 4–6 нафар ва ундан ортиқ ходим мавжуд бўлса – 10 балл; ходим мавжуд бўлмаса – 0 балл.	10
3.	Жалб қилинган туристлар	Охирги бир календарь йил давомида жалб қилинган туристлар сони: 100 нафардан 500 нафаргача – 5 балл; 501 нафардан 800 нафаргача – 8 балл; 801 нафардан 1000 нафаргача – 10 балл; 100 нафардан кам бўлса – 0 балл.	10
4.	Туристик маҳсулотлар (турпакетлар) хилма-хиллиги	Турпакетлар сони: ҳар бир амалдаги ва тасдиқланган турпакет учун – 1 баллдан; турпакетлар мавжуд бўлмаса – 0 балл	10
5.	Барқарор ва экологик туризм (Green Tourism) тамойиллари	Барқарор ва экологик туризм стандартларига риоя этилиши, тегишли халқаро ёки миллий мувофиқлик сертификати мавжудлиги: сертификат мавжуд бўлса – 10 балл сертификат мавжуд бўлмаса – 0 балл	10

Изоҳ. *Ҳар бир мезон белгиланган талаблар асосида баҳоланади ва умумий максимал балл 55 баллни ташкил қилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
888-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 4 » sentabr № 468 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида экскурсия хизматларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, экскурсия хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда экскурсия фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига мувофиқ гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар фаолияти тегишли сертификат асосида амалга оширилиши белгиланган **маълумот учун** қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ягона тасдиқланган матн асосида экскурсиялар ташкил этиладиган республиканинг асосий туризм ташриф объектлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Гидларга (гид-таржимонларга) малака тоифасини бериш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, **2026 йил 1 декабрдан бошлаб**:

а) Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтига (кейинги ўринларда – Институт) ушбу қарорга 2-илова билан тасдиқланган Низомга мувофиқ гидларга (гид-таржимонларга) уларнинг хоҳишига кўра ҳаваскор, ихтисослашган ва профессионал малака тоифасини бериш ваколати берилади. Бунда малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарор Институт директори буйруғи билан ташкил этиладиган имтиҳон комиссияси томонидан қабул қилинади;

б) экскурсия етакчилари учун алоҳида малака тоифалари белгиланмайди;

в) малака сертификати чекланмаган муддатга берилади (ушбу банднинг “г” кичик бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) ҳамда ушбу сертификат ҳақидаги маълумотлар Туризм қўмитаси томонидан юритиладиган Ўзбекистон Республикаси гидлари (гид-таржимонлари),

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси гидлари (гид-таржимонлари), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг ягона электрон реестрига (кейинги ўринларда – Ягона электрон реестр) киритилади;

г) гид сифатида сўнгги икки йил давомида фаолият юритмаган (солиқ органларининг электрон ахборот тизимларида даромадлар ва тўланган солиқлар тўғрисидаги ҳисоботлар мавжуд бўлмаганда) шахслар малака имтиҳонини қайта топширади. Бунда малака имтихонидан ўтмаган шахсларнинг малака сертификати Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида белгиланган тартибда ва муддатга тўхтатилади;

д) туроператор экскурсия хизматларини фақат амалдаги малака сертификатига эга бўлган гидлар (гид-таржимонлар) орқали ташкил этади, **2028 йил 1 январдан бошлаб** эса мазкур талабга риоя этмаслик лицензия талаблари ва шартларини бузиш деб ҳисобланади.

4. **2027 йил 1 январдан бошлаб** мамлакатнинг асосий туризм ташриф объектларида экскурсиялар Туризм қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ягона экскурсия матни асосида (кейинги ўринларда – Ягона экскурсия матни) ташкил этилади. Бунда Ягона экскурсия матни асосида экскурсия ўтказиладиган мамлакатнинг асосий туризм ташриф объектлари рўйхатига объектларнинг муҳимлиги, туристик жозибадорлиги, ташрифлар статистикаси, инфратузилма ҳолати, хавфсизлик талаблари ҳамда экскурсия ташкил этиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Туризм қўмитаси томонидан ўзгартиришлар киритиб борилади.

5. **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:

а) Институт гидларни (гид-таржимонларни) қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш соҳасида ўқув-методик фаолиятни мувофиқлаштирувчи ваколатли ташкилот этиб белгилансин;

б) олий таълим ташкилотларининг “Филология ва тилларни ўқитиш”, “Тарих”, “Таржимашунослик”, “Санъатшунослик”, “Музейшунослик” ҳамда “Амалий санъат” таълим йўналишлари ўқув режаларига “Гидларни (гид-таржимон) тайёрлаш” ўқув курси модулларини танлов фанлари сифатида киритиш тавсия этилсин. Бунда мазкур ўқув курсини тўлиқ ўзлаштирган талабаларга тўртинчи босқичдан бошлаб гид (гид-таржимон) сифатида малакавий амалиёт ўташ ҳуқуқи берилсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Туризм қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда **уч ой муддатда** гидларни (гид-таржимонларни) қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув дастурларини тасдиқласин ва ўқув дастурлари асосида ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиб, таълим ташкилотларида жорий этилишини таъминласин.

7. Туризм қўмитаси:

а) **бир ой муддатда** Ягона экскурсия матнини ишлаб чиқиш учун тарих, археология, маданий мерос, санъатшунослик, диншунослик ва туризм соҳаларидаги олимлар ҳамда юқори малакали мутахассислардан иборат таркибда экспертлар гуруҳини шакллантирсин;

б) **2026 йил 1 декабрга қадар**:

Фанлар академияси билан келишган ҳолда экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган Ягона экскурсия матнини тасдиқласин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Миллий туризм ягона платформасида:

Ягона электрон реестрни жорий этсин;

экскурсия хизматларини электрон шаклда таклиф қилиш, буюртма қабул қилиш ва кўрсатиш имкониятини яратсин;

гидлар фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг рейтингини шакллантириш имконини берувчи электрон тизимни жорий этсин;

в) **2026 йил 1 ноябрга қадар** Ички ишлар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда туризм ташриф объектларида гидлар (гид-таржимонлар) томонидан идентификация картасидан (бейжикдан) фойдаланиш ҳамда унинг мавжудлигини назорат қилиш тартибини тасдиқласин;

г) **уч ой муддатда**:

гидларнинг (гид-таржимонларнинг) касб этикаси қоидаларини тасдиқласин;

йўриқчи-йўл бошловчиларга малака тоифа сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Маданий мерос агентлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда туристлар энг кўп ташриф буюрадиган камида битта туризм объектида “Гидлар маркази”ни ташкил этсин. Бунда:

“Гидлар маркази”ни ташкил этиш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан, улар жойлашган биноларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар балансда сақловчи ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қопланади;

ҳудудий гидлар уюшмалари “Гидлар маркази” биноларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

е) **икки ой муддатда** гидларга (гид-таржимонларга) малака сертификатини бериш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш чораларини кўрсин, бунда:

малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказишнинг аниқ механизми;

имтиҳон саволлари ва амалий топшириқларни шакллантириш талаблари;

имтиҳон натижаларини расмийлаштириш ва сертификат бериш тартибини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

Бунда мазкур талаблар Туризм қўмитаси томонидан белгиланади.

8. Туризм қўмитаси:

а) **2027 йилдан бошлаб ҳар йили февраль ойида** Халқаро гидлар форумини ҳамда экскурсия хизматларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган гидларни тақдирлашга бағишланган тантанали маросимларни ўтказиб борсин. Бунда мазкур тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда Жамғарма кенгашининг қарорига мувофиқ Жамғарма маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

б) **2027 йил 1 январдан бошлаб** юқори касбий маҳорат, кўп йиллик иш тажрибаси, хорижий тилларни билиш, халқаро протокол талаблари бўйича кўникмалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг туристик салоҳиятини халқаро миқёсда тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси ҳисобга олган ҳолда, гидларнинг (гид-таржимонларнинг) “Олтин фонд” рўйхатини шакллантирсин ва Миллий туризм ягона платформасида юритиб борсин;

в) **икки ой муддатда** “Олтин фонд” рўйхатини шакллантириш ва юритиш, унга киритиш ҳамда ундан чиқариш тартибини, шунингдек, номзодларни баҳолаш мезонларини тасдиқласин. Бунда “Олтин фонд” рўйхатига киритилган гидлар ёшга доир пенсияга чиққан тақдирда, Жамғарма кенгашининг қарорига мувофиқ Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида бир марталик мукофот берилиши инобатга олинсин.

9. Белгилансинки:

Гидлар маркази юридик шахс мақомига эга бўлмаган, тегишли ҳудудда экскурсия хизматларини мувофиқлаштириш, туристларга сертификатланган гидлар тўғрисида ахборот бериш, экскурсия хизматларига буюртмаларни ташкил этиш ҳамда гидларга ташкилий-услубий кўмаклашишга мўлжалланган хизмат кўрсатиш маркази ҳисобланади;

Гидлар маркази ўз фаолиятини Туризм қўмитаси томонидан тасдиқланадиган намунавий низом асосида амалга оширади;

Гидлар марказининг фаолиятини мувофиқлаштириш Туризм қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан, ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

11. Туризм қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**



QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 4 ” сентябрдаги 468-сон қарорига
1-илова

Ягона тасдиқланган матн асосида экскурсиялар ташкил этиладиган республиканинг асосий туризм ташриф объектлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Ташриф объекти номи
Қорақалпоғистон Республикаси	
1.	Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи
2.	Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи
3.	Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи
4.	Чилпиқ қалъаси
5.	Қуйи Амударё давлат биосфера резервати
6.	Султон Увайс Бобо зиёратгоҳи
7.	“Қизилқалъа” қўрғони
8.	“Пилқалъа” археологик ёдгорлиги
9.	“Жампиққалъа” археологик ёдгорлиги
10.	Довуд-ота (Даут-ата) мақбараси
11.	Ҳаким Ота (Сулаймон Боқирғоний) мақбараси
12.	Очиқ осмон остидаги кемалар музейи (“Кемалар қабристони”)
13.	Орол тарихи музейи
14.	Буғрохонота мақбараси
15.	Судочье кўли
16.	Устюрт платоси каньони
17.	Орол денгизи
18.	Миздаҳқон мажмуаси
19.	Аяз қалъаси
20.	Катта Гулдурсун қалъаси
21.	“Тупроққалъа” археологик ёдгорлиги
22.	Нукус шаҳридаги “Қорақалпоқ этноовул” мажмуаси
Андижон вилояти	
23.	Андижон жоме масжиди мажмуаси
24.	“Қалъа” меъморий ёдгорлиги
25.	Бобур боғи мажмуаси
26.	Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи
27.	Мингтепа археология ёдгорлиги
28.	Имом ота зиёратгоҳи ва туризм қишлоғи
29.	Хонобод шаҳри экотуризм ҳудуди
Бухоро вилояти	
30.	Бухоро давлат музей-қўриқхонаси

31.	“Хўжа Говкушон” ансамбли
32.	“Чашмаи Айюб” мақбараси
33.	“Саид по Банди Кушо” жоме масжиди
34.	Нуғай карвонсаройи
35.	Файзиобод хонақоҳи
36.	Улуғбек мадрасаси
37.	Абдулазизхон мадрасаси
38.	Сайфиддин Боҳарзи мақбараси
39.	Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси
40.	Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий мақбараси
41.	Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мақбараси
42.	Хожа Али Ромитаний мақбара мажмуаси
43.	Хожа Муҳаммад Бобои Самосий мақбараси
44.	Хожа Сайид Амир Кулол мақбара мажмуаси
45.	Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий мақбара мажмуаси
46.	Мир Араб мадрасаси
47.	“Тоқи Заргарон” меъморий ёдгорлиги
48.	“Тоқи Телпакфурушон” меъморий ёдгорлиги
49.	“Тоқи Саррофон” меъморий ёдгорлиги
50.	“Абдуллахон тими” меъморий ёдгорлиги
51.	“Чор минор” мадрасаси
52.	“Исмоил Сомоний” мақбараси
53.	“Нодир девонбеги” мадрасаси
54.	“Кўкалдош” мадрасаси
55.	“Модарихон” мадрасаси
56.	“Абдуллахон” мадрасаси
57.	Масжиди Калон
58.	“Баҳоуддин Нақшбанд” ёдгорлик мажмуаси маркази
59.	“Чор Бакр” меъморий мажмуаси
60.	“Болоҳовуз” ансамбли
61.	“Абу Али ибн Сино” мемориал музейи
62.	“Арк” тарихий-ўлкашунослик музейи
63.	Бухоролик бой савдогар хонадони уй-музейи
64.	Бухоро адабиёти тарихи музейи
65.	Варахша керамикаси ва тарихи Бухоро кўргазмаси
66.	Ситораи Мохи-Хосса мажмуаси
Жиззах вилояти	
67.	Шароф Рашидов мемориал музейи
68.	Парпиота (Муҳаммад Ғаззолий) зиёратгоҳи
69.	Темур дарвозаси (“Амир Темур дарвозаси” ёдгорлиги)
70.	“Хўжаи Саробота” зиёратгоҳи
71.	“Новқаота” зиёратгоҳи
72.	Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи

73.	Зомин миллий табиат боғи
Қашқадарё вилояти	
74.	Шаҳрисабз шаҳридаги “Мақом музейи”
75.	Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи
76.	Кўк гумбаз масжиди
77.	Оқсарой меъморий ёдгорлиги
78.	Жаҳонгир Мирзо мақбараси
79.	Чорсу мажмуаси
80.	“Коба” карвонсаройи
81.	“Чубин” мадрасаси
82.	“Абул-Муъин ан-Насафий” зиёратгоҳи
83.	Қашқадарё кўприги (Амир Темур кўприги)
84.	Одина масжиди (Насаф катта жоме масжиди)
85.	Қиличбой мадрасаси
86.	Хўжа Абдулазиз мадрасаси
87.	Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳи
88.	Султон Мир Ҳайдар ёдгорлик мажмуаси
89.	Лангар ота мақбараси
90.	Муборак ал-Марвазий мақбараси
91.	Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси
92.	Ҳазрати Башир мақбараси
93.	Хўжа Илғор қишлоғи
94.	Ғелон қишлоғи
Навоий вилояти	
95.	Сармишсой дараси
96.	“Тош ўрмон” археологик ёдгорлиги
97.	Чашма (Нурбулоқ) мажмуаси
98.	Работи Малик сардобаси
99.	Мавлоно Ориф Дегароний ёдгорлиги
100.	“Сентоб” туризм қишлоғи
Наманган вилояти	
101.	Султон Увайс Қароний мажмуаси
102.	Ахсикент ёдгорлиги
103.	Исҳоқхонтўра Ибрат мажмуаси
104.	Мулла Қирғиз мажмуаси
Самарқанд вилояти	
105.	Регистон ансамбли
106.	Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи
107.	Имом Абу Мансур ал-Мотуридий мақбараси
108.	Имом ал-Бухорий мажмуаси
109.	“Чор Чинор” зиёратгоҳи
110.	Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи
111.	Ислом Каримов мақбараси

112.	Хўжа Аҳрор Валий зиёратгоҳи
113.	Ҳазрати-Хизр масжиди
114.	Хўжа Дониёр мақбараси
115.	Афросиёб тарихи музейи
116.	Шоҳи Зинда мажмуаси
117.	Мирзо Улуғбек расадхонаси
118.	Амир Темур мақбараси (Гўри Амир)
119.	Руҳобод мақбараси
120.	Бибихоним масжиди мажмуаси
121.	Афросиёб қадимий шаҳар қолдиқлари
122.	“Боқий шаҳар” мажмуаси
123.	Конигил туризм қишлоғи
Сирдарё вилояти	
124.	Кўҳна Ховос археологик ёдгорлиги
125.	Ёғочли сардоба (архитектура ёдгорлиги)
Сурхондарё вилояти	
126.	Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси
127.	Қоратепа ёдгорлиги
128.	Қирққиз ёдгорлиги
129.	Кокилдорота хонақоҳи
130.	Термиз саййидлари (Султон Саодат зиёратгоҳи)
131.	Фаёзтепа ёдгорлиги
132.	Далварзинтепа ёдгорлиги
133.	Кампиртепа ёдгорлиги
134.	Сополлитепа ёдгорлиги
135.	Абу Исо ат-Термизий мақбараси
136.	Сангардак шаршараси
137.	Зараутсой қоятош расмлари
138.	Мачай ғори
139.	Тешиктош ғори
140.	Сайроб чинори
141.	Сўфи Оллоёр масжиди
Тошкент вилояти	
142.	Зангиота зиёратгоҳи мажмуаси
143.	Урунғоч (Нефрит кўллари)
144.	Чимён тоғлари
145.	Чимён осма дор йўли
146.	“Чорвоқ” сув омбори
147.	Сўқоқ қишлоғи
148.	Эртошсой туризм қишлоғи
149.	Овжассой туризм қишлоғи
150.	“Туябўғиз” сув омбори
151.	“Ҳазрати Алибува” зиёратгоҳи

Фарғона вилояти	
152.	Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи
153.	Қубо ёдгорлиги
154.	Худоёрхон ўрдаси (саройи)
155.	Норбўтабий мадрасаси
156.	Даҳмаишоҳон мақбараси
157.	Камол қози мадрасаси
158.	Бурҳониддин ал-Марғиноний мақбараси
159.	Ҳонақоҳ масжиди
160.	“Саид Аҳмадхўжа” мадрасаси (ҳозирда ҳунармандлар маркази)
161.	Риштон халқаро кулолчилик маркази *(қўшимча объектлар: Алишер Назиров уй устахонаси ҳамда Риштон Мингбоши Керамика маркази)*
162.	“Ёдгорлик” ипакчилик фабрикаси
163.	Марғилон ҳунармандлар маркази
164.	Учкўприк “Меҳригиё” экотуризм маркази (лаванда)
Хоразм вилояти	
165.	Кўҳна Арк мажмуаси
166.	Тошҳовли саройи
167.	Оллақулихон карвонсаройи ва мадрасаси
168.	“Ичан-қалъа” девори ва дарвозалари
169.	Ислом Ҳўжа мадрасаси ва минораси
170.	Мусотўра мадрасаси
171.	Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси
172.	Шерғозихон мадрасаси
173.	Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минораси
174.	Матниёз девонбеги мадрасаси
175.	Муҳаммадамин иноқ мадрасаси
176.	Қутлуғмурод иноқ мадрасаси
177.	Қозикалон мадрасаси
178.	Саййид Ниёз Шоликорбой мажмуаси
179.	Саййид Моҳи Руйи Жаҳон мажмуаси
180.	Паҳлавон Маҳмуд мақбараси
181.	Жума масжиди ва минораси
182.	“Оқ масжид” масжиди
183.	Шайх Мухторота масжиди
184.	“Полвон Қори” савдо уйи
185.	Нуруллабой уйи
186.	“Чодра ҳовли” мажмуаси
Тошкент шаҳри	
187.	Мингўрик музейи
188.	Сузук ота мажмуаси
189.	Тошкент телеминораси

190.	Наврўз боғи мажмуаси
191.	Қатағон қурбонлари хотира музейи
192.	“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси
193.	Ҳазрати Имом мажмуаси
194.	“Кўкалдош” мадрасаси
195.	Абдулқосим мадрасаси
196.	Сўғдиёна санъат маркази
197.	“Шайх Ҳованд Тоҳур” мажмуаси
198.	Адиблар хиёбони мажмуаси
199.	Рим-Католик черкови
200.	Немис Евангел-Лютеран черкови (Кирха)

Изоҳ. *Ушбу рўйхатга Туризм қўмитаси томонидан объектларнинг тарихий-маданий аҳамияти, туристлар ташрифи кўрсаткичлари, инфратузилма ҳолати ҳамда экскурсия хизматларини ташкил этиш имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Маданий мерос агентлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 4 ” сентябрдаги 468-сон қарорига
2-илова

Гидларга (гид-таржимонларга) малака тоифасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом гидларга (гид-таржимонларга) малака тоифасини бериш, тасдиқлаш, ўзгартириш, бекор қилиш ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни юритиш тартибини белгилайди.

2. Малака тоифаси гидларнинг (гид-таржимонларнинг) касбий билимлари, амалий кўникмалари, малакалари, иш тажрибаси ҳамда касбий фаолияти натижаларини баҳолаш асосида берилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

касбий имтиҳон – гидларнинг (гид-таржимонларнинг) назарий билимлари, амалий кўникмалари ҳамда малакаларини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган синов;

малака сертификати – гидларнинг (гид-таржимонларнинг) малакасини тасдиқловчи, касбий имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг бериладиган белгиланган намунадаги ҳужжат;

талабгор – амал қилувчи малака сертификатига эга бўлган ҳамда малака тоифасини олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахс.

2-боб. Малака тоифалари ва уларни бериш шартлари

4. Малака тоифаси ихтиёрий асосда берилади ҳамда унинг мавжуд эмаслиги гидларнинг (гид-таржимонларнинг) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган малака сертификати асосида фаолият юритиш ҳуқуқини чекламайди.

5. Ҳаваскор, ихтисослашган ва профессионал гид малака тоифалари Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт) ҳузурида ташкил этиладиган имтиҳон комиссиясининг қарори асосида берилади, ўзгартирилади ва бекор қилинади.

6. Имтиҳон комиссияси коллегиал орган ҳисобланади.

Имтиҳон комиссиясининг таркиби Институт директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси таркибига Туризм қўмитаси, Институт, олий таълим ташкилотлари, туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил экспертлар вакиллари киритилади.

7. Имтиҳон комиссияси мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарорлари очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8. Комиссия аъзоси манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлганда, тегишли материални кўриб чиқиш ва овоз бериш жараёнида иштирок этмайди.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳақида комиссия аъзоси комиссия мажлиси бошлангунга қадар маълум қилиши шарт.

9. Гидларга (гид-таржимонларга) қуйидаги малака тоифалари берилади:

ҳаваскор гид малака тоифаси;

ихтисослашган гид малака тоифаси;

профессионал гид малака тоифаси;

олтин фонд гиди малака тоифаси.

10. Малака тоифаси талабгорнинг мурожаатига асосан Вазирлар Маҳкамасининг “Малака сертификатларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарорига мувофиқ ўтказиладиган малака имтиҳон ва баҳолаш натижаларига кўра берилади.

11. Ҳаваскор тоифа сертификати қуйидаги талабларга жавоб берадиган талабгорларга берилади:

малака сертификатига эга бўлган;

касбий имтиҳондан муваффақиятли ўтган.

Ҳаваскор гидлар маҳаллий даражада (муайян маъмурий-ҳудудий бирлик ёки объект ҳудуди доирасида) фаолият юритади. Улар томонидан махсус мавзули (диний, археологик) турлар ва табиий хавфли ҳудудлардаги экскурсиялар Институт томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли махсус ўқув курсларини тамомлаганидан сўнг ўтказилиши мумкин.

12. Ихтисослашган гид малака тоифаси қуйидаги талабларга жавоб берадиган талабгорларга берилади:

малака сертификатига эга бўлган;

гид (гид-таржимон) сифатида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган;

сўнгги икки йил давомида камида бир марта малака ошириш курсларини тамомлаган;

касбий имтиҳондан муваффақиятли ўтган.

Президент ёки номдор давлат стипендиялари соҳиблари, республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, туризм соҳасига оид халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлган шахслар ягона тасдиқланган экскурсия матни бўйича касбий имтиҳонни топширган тақдирда, имтиҳон комиссиясининг қарорига кўра тўғридан-тўғри ихтисослашган гид малака тоифасига киритилиши мумкин.

Ихтисослашган гидлар ўз ихтисослашув йўналиши доирасида республика ҳудудида экскурсия хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга.

13. Профессионал гид малака тоифаси қуйидаги талабларга жавоб берадиган талабгорга берилади:

ихтисослашган гид тоифасига эга бўлган;

гид (гид-таржимон) сифатида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган;

сўнги уч йил давомида камида бир марта малака ошириш курсларини тамомлаган;

касбий имтиҳондан муваффақиятли ўтган.

Профессионал гидлар Ўзбекистон Республикаси бўйлаб экскурсияларни ўтказади.

14. Олтин фонд гиди малака тоифаси қуйидаги талабларга жавоб берадиган талабгорга Туризм қўмитаси томонидан берилади:

профессионал гид малака тоифасига эга бўлган;

гид (гид-таржимон) сифатида камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган;

давлат ва халқаро даражадаги тадбирларда олий даражадаги ташриф буюрувчиларга экскурсия хизматларини ташкил этган;

белгиланган тартибда “устоз-шогирд” анъаналари асосида камида 10 нафар малака сертификатига эга бўлган ёш гидларни тайёрлаган.

15. Малака тоифаси беришда қуйидагилар инобатга олинади:

касбий билим ва амалий кўникмалар;

экскурсия хизматларини ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати;

экскурсия объектлари бўйича билим даражаси;

туристлар билан мулоқот маданияти;

хорижий тилларни билиш даражаси;

касб этикаси қоидаларига риоя қилиниши.

3-боб. Тоифа сертификатини бериш тартиби

16. Талабгорга малака тоифасини бериш касбий имтиҳонни топшириш натижаларининг энг кам кўрсаткичи қуйидагича белгиланади:

56 фоиздан 70 фоизгача (70 фоиз ҳам киради) – ҳаваскор гид малака тоифаси;

70 фоиздан ва 85 фоизгача (85 фоиз ҳам киради) – ихтисослашган гид малака тоифаси;

86 фоиздан юқори ва 100 фоизгача – профессионал гид малака тоифаси.

“Олтин фонд” гиди тоифаси қўшимча равишда касбий тажриба ва касбий фаолият натижалари асосида берилади.

17. Талабгорнинг малака тоифаси олиш тўғрисидаги мурожаати Институт томонидан қабул қилинади ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

18. Малака тоифаси қуйидаги босқичларда берилади:

мурожаатни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

талабгорнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш;

касбий имтиҳон ва баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

имтиҳон комиссияси томонидан қарор қабул қилиш.

19. Имтиҳон комиссияси талабгорга малака тоифасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

20. Қуйидаги ҳолатларда талабгорларга малака тоифасини бериш рад этилади:

ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ келмаганда;

касбий имтиҳон натижалари тоифа сертификатини бериш учун етарли бўлмаганда;

сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда.

21. Имтиҳон комиссиясининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга малака тоифа сертификати электрон шаклда юборилади.

22. Берилган малака тоифалари тўғрисидаги маълумотлар имтиҳон комиссияси қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида Туризм қўмитасига мазкур шахслар тўғрисидаги маълумотларни янгилаш учун Ўзбекистон Республикаси гидлари (гид-таржимонлари), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг ягона электрон реестрига (кейинги ўринларда – Ягона электрон реестр) киритиш учун юборилади.

4-боб. Тоифа сертификатини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

23. Гид (гид-таржимон) ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ юқорироқ малака тоифасини олиш учун бир йилда бир марта қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

24. Навбатдаги юқори малака тоифаси ушбу Низом талаблари асосида берилади.

Янги тоифа берилиши билан аввалги малака тоифаси ўз кучини йўқотади.

25. Қуйидаги ҳолларда имтиҳон комиссиясининг қарори билан малака тоифаси бекор қилинади:

талабгорнинг ёзма мурожаатига кўра;

малака тоифаси сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар асосида олингани аниқланганда;

талабгор суднинг қонуний кучга кирган қарори билан экскурсия фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

26. Малака тоифасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга электрон шаклда юборилади.

27. Малака тоифаси бекор қилингани тўғрисидаги маълумотлар имтиҳон комиссияси қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида Туризм қўмитасига Ягона электрон реестрга киритиш учун юборилади.

28. Имтиҳон комиссиясининг малака тоифасини бериш, беришни рад этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29. Берилган малака тоифаси тўғрисидаги маълумотлар Ягона электрон реестрда акс эттирилади.

30. Ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

31. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 4 ” сентябрдаги 468-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “2019 – 2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида” 2019 йил 31 декабрдаги 1053-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорида:

а) 2-иловада:

9-бандниng учинчи – бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлиги бўйича ваколатли назорат органларининг амалдаги QR-кодли хулосалари ҳамда лифт қурилмаси мавжуд бўлган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва лифт паспорти нусхаси. Янги ташкил этилган жойлаштириш воситалари учун улардан фойдаланиш бошланган кундан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат қабул комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин;

меҳмонлар хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш (дезинфекция, ёнғин сигнализацияси тизими ва лифтларга техник хизмат кўрсатиш тўғрисида) сифатини таъминлаш бўйича тегишли хизматлар билан шартномалар нусхалари;

ариза берувчининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини белгиловчи ҳужжати ёки бундай мулкнинг солиқ органларида ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги ижара шартномаси. Бунда Марказ “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ушбу ҳужжатни мустақил равишда олиши мумкин”;

18-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

“Комиссия ишини Марказнинг мувофиқликни баҳолаш бўйича мутахассислари орасидан тайинланадиган раиси режалаштиради ва мувофиқлаштиради. Комиссия таркибига соҳада тегишли малакага эга бўлган мутахассислар киритилиши мумкин”;

30-бандниng тўртинчи хатбошиси, 50-бандниng иккинчи хатбошиси ва 58-бандниng “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “сифат бўйича эксперт-аудитор” сўзлари тегишли келишикдаги “мувофиқликни баҳолаш бўйича мутахассис” сўзлари билан алмаштирилсин;

54-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда комиссия сертификатининг асл нусхаси мавжудлигини ҳамда ушбу Низомнинг 8 – 11-бандларида назарда тутилган ҳужжатларнинг долзарблигини, шунингдек, шартномалар асосида бажарилган ишлар далолатномалари мавжудлигини текширади”;

3-илованинг бешинчи устунидаги “Туризм давлат қўмитасининг” сўзлари чиқариб ташлансин;

5а-иловада:

биринчи устун қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сертификатлаштирилган хизматлар кўрсатишдан беш йилда тушадиган даромаднинг прогноз қилинган ҳажми (ҚҚСсиз)”;

изоҳ қисмининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Раҳбарлик функциялари ва бухгалтерия ҳисоби функцияларини амалга оширувчи шахсларнинг ҳамда режа бўлими (штат жадвалида бўлганда) бошлиғининг имзолари қўйилган ариза берувчининг ёзма декларацияси сертификатлаштирилган хизматлар кўрсатишдан беш йилда тушадиган даромаднинг прогноз қилинган ҳажмининг тасдиғи ҳисобланади”;

б) 10-иловада:

9-банддаги “Қўмита, Маданий мерос объектларини асрашга доир муаммоларни ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти” сўзлари “Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-бандниng “б” кичик бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-бандда:

“а” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

“б” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўлбошчиларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун ўқув дастурлари Туризм қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунавий дастурлар асосида ишлаб чиқилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 5-илова 9-позициясининг “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) юридик шахс ходимларининг (гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар) белгиланган тартибда берилган муддатсиз малака сертификати мавжудлиги”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентига 5-иловада:

3-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

3.	Малака сертификатини берувчи ваколатли орган(лар):	Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти

”;

4-позиция “б” кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“олий, ўрта ва ўрта махсус профессионал маълумотга эга бўлганлик ҳақидаги давлат намунасидаги ҳужжатлар ёки қайта тайёрлаш курсидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси”;

7-позициянинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчи касбларига оид олий, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжатга эга бўлиши*”;

8-позициядаги “3 йил” сўзлари “чекланмаган” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/468/0900-son
07.09.2026-y.

9-позиция учинчи устунининг ўн саккизинчи – йигирма тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 3 ва 4-бандлари 2026 йил 1 декабрдан бошлаб кучга киради.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
889-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 5 » sentabr № 469 Toshkent sh.

Географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғаларининг шаклларини ва тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал фаолият натижаларини рағбатлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–358-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасига мувофиқ:

гувоҳнома эгаси географик кўрсаткич билан бир қаторда товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдирадиган огоҳлантирувчи тамға (кейинги ўринларда – огоҳлантирувчи тамға) қўйиши мумкинлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдирадиган огоҳлантирувчи тамғанинг шаклини тасдиқлаши белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Географик кўрсаткич огоҳлантирувчи тамғасининг шакли ва тавсифи **1-иловага** мувофиқ;

Товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғасининг шакли ва тавсифи **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

огоҳлантирувчи тамғалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тааллуқли бўлган географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номига нисбатан қўлланилади ҳамда улардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади;

огоҳлантирувчи тамғаларнинг фойдаланилаётган шакллари, уларнинг ўлчамидан қатъи назар, мазкур қарор билан тасдиқланган рангли ёки оқ-қора шаклларга мос бўлиши керак.

QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

4. Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда Интеллектуал мулк муҳофазаси портали орқали географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

мазкур қарор билан тасдиқланган огоҳлантирувчи тамғалардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “5” сентябр даги 469-сон қарорига
1-илова

Географик кўрсаткич огоҳлантирувчи тамғасининг ШАКЛИ

Рангли



Оқ-қора



QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

Географик кўрсаткич огоҳлантирувчи тамғасининг ТАВСИФИ

Географик кўрсаткичнинг огоҳлантирувчи тамғаси яшил доира шаклида бўлиб, у саховатли қуёш ва тўкин-сочинлик рамзи бўлган нон тасвирини ифодалайди.

Айлананинг юқори қисмида оқ фонда яшил ҳарфлар билан **“MUHOFAZALANGAN GEOGRAFIK KO‘RSATKICH”**, пастки қисмида эса инглиз тилида **“PROTECTED GEOGRAPHICAL INDICATION”** ёзувлари жойлашган.

Тамғанинг ташқи контури бўйлаб ўтган ингичка яшил ҳошия тасвирнинг чегарасини белгилаб, унинг композицион яхлитлигини таъминлайди.

Айлананинг марказий қисмида оқ рангда Ўзбекистон Республикаси харитаси тасвири берилган. Хаританинг юқори қисмида қизил рангдаги жойлашув белгиси қўйилган бўлиб, унинг ичида **“GEOGRAPHICAL INDICATION”** сўзларининг қисқартмаси “**GI**” ҳарфлари ёзилган.

Айлананинг икки тарафида акс этган яшил рангдаги саккизбурчак республика ҳурлигининг рамзини ифодалайди.

Хаританинг пастки қисмида оқ рангда катта ҳарфлар билан “**UZBEKISTAN**” сўзи ёзилган.

QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” сентябр даги 469 сон қарорига
2-илова

Товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғасининг
ШАКЛИ

Рангли



Оқ-қора



QMMB: 09/26/469/0902-son
07.09.2026-y.

Товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғасининг
ТАВСИФИ

Товар келиб чиққан жой номи огоҳлантирувчи тамғаси ҳаво ранг доира шаклида бўлиб, у саховатли қуёш ва тўкин-сочинлик рамзи бўлган нон тасвирини ифодалайди.

Айлананинг юқори қисмида оқ фонда кўк ҳарфлар билан “**MUHOFAZALANGAN TOVAR KELIB CHIQQAN JOY NOMI**”, пастки қисмида эса инглиз тилида “**PROTECTED APPELLATION OF ORIGIN**” ёзувлари жойлашган.

Тамғанинг ташқи контури бўйлаб ўтган ингичка кўк рангдаги ҳошия тасвирнинг чегарасини белгилаб, унинг композицион яхлитлигини таъминлайди.

Айлананинг марказий қисмида оқ рангда Ўзбекистон Республикаси харитаси тасвири берилган. Хаританинг юқори қисмида қизил рангдаги жойлашув белгиси қўйилган бўлиб, унинг ичида “**APPELLATION OF ORIGIN**” сўзларининг қисқартмаси “**AO**” ҳарфлари ёзилган.

Айлананинг икки тарафида акс этган кўк рангдаги саккизбурчак республика ҳурлигининг рамзини ифодалайди.

Хаританинг пастки қисмида оқ рангда катта ҳарфлар билан “**UZBEKISTAN**” сўзи ёзилган.



QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
890-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 5 » sentabr № 471 Toshkent sh.

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал фаолият натижаларини рағбатлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–358-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. **“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони** таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари **2** ва **3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси Адлия вазирлигининг буюртмасига асосан “Давлат белгиси” МЧЖ томонидан белгиланган тартибда тайёрланиши таъминлансин.

4. “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари **Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Адлия вазирлиги “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони ҳар йили **26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни** арафасида тантанали равишда топширилишини таъминласин.

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” сентябрдаги 471-сон қарорига
1-илова

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга, шунингдек, аҳолида интеллектуал фаолият натижаларига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари тақдирланади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳар йили 1 январдан 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (кейинги ўринларда – вазирлик) тақдим этилади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларга номзодлар ҳақида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

номзод ҳақида маълумотнома;

номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта);

номзоднинг сўнгги уч йил давомида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш борасидаги амалий ишлари акс эттирилган тавсифнома.

6. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (кейинги ўринларда – вазир) томонидан соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган беш кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

Комиссия таркибига олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат экспертлар киритилиши мумкин.

7. Комиссия таркиби вазир томонидан тасдиқланади.

8. Комиссия томонидан номзодларни кўкрак нишони билан тақдирлашда қуйидагилар инобатга олинади:

интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этганлиги;

интеллектуал мулк объектлари яратилишини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда фаол иштирок этганлиги;

жамиятда интеллектуал фаолият натижаларига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қўшган ҳиссаси;

интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда, шу жумладан, интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни хабардор қилишда иштирок этганлиги.

9. Комиссия йиғилишида номзодларга оид ҳужжатлар белгиланган тартибда ўрганилади ҳамда 1 апрелга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш

10. Комиссия хулосаси асосида вазирнинг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 20 апрелгача қабул қилинади.

11. Кўкрак нишони ҳар йили 26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни арафасида вазир (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали равишда топширилади.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

Бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан боғлиқ харажатлар вазирликнинг бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

14. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

15. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

16. Вазирлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

“Интеллектуал мулк соҳасини
ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун”
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга
илова

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар ходимлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Адлия вазирлигига тақдим этади.	Ҳар йили 1 январдан 1 мартга қадар
2-босқич	Комиссия	Номзодлар ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва якуний хулоса қабул қилади.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
3-босқич	Адлия вазирлиги	Комиссия хулосаси асосида кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида вазирнинг буйруғи қабул қилинади.	Ҳар йили 20 апрелга қадар
4-босқич	Вазир (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар)	Кўкрак нишонини тантанали равишда топширади.	Ҳар йили 26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни арафасида

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” сентябрдаги 471-сон қарорига
2-илова

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,5 миллиметрни ташкил этади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг “ip” белгиси кўк рангда тасвирланган. Ушбу белги абстракт шаклдаги уч элементдан ташкил топган бўлиб, элементлардан бири лотин алифбосидаги “i” ҳарфи кўринишида инсон тимсолини англатади. Уни ўраб турган икки элемент эса лотин алифбосидаги “p” ҳарфи кўринишида бўлиб, инсон тафаккури ва интеллектуал фаолият натижасини яратиш жараёнининг рамзий ифодаси ҳисобланади.

Кўкрак нишонининг олд томонида ташқи ҳалқа бўйлаб “INTELLEKTUAL MULK SOHASINI RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN HISSASI UCHUN” ёзуви жойлаштирилган.

Унинг пастки қисмида дафна япроқлари тасвирланган бўлиб, фахр, эътироф ва шараф рамзини ифода этади.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири жойлаштирилган.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонлари четлари қаварик ҳошия билан ўралган. Кўкрак нишонидаги барча тасвирлар ва ёзувлар қаварикдир.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқча ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни 26 миллиметр, бўйи 25 миллиметрни ташкил этади. Қадағичнинг олд қисми кўк рангли лента билан қопланган бўлиб, пастки қисмида дафна япроқлари жойлаштирилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” сентябрдаги 471-сон қарорига
3-илова

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони гувоҳномасининг
ТАВСИФИ

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “Intellektual mulk”, иккинчи сатрда “sohasini rivojlantirishga”, учинчи сатрда “qo‘shgan hissasi uchun”, тўртинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times New Roman Bold” шрифти, 12 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times New Roman Bold” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч кўк рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times New Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун “№” белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

“GUVOHNOMA” сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “adliya vazirining” (“Times New Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.


Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__ y. “___” _____dagi”, иккинчи сатрда “____-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times New Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “INTELLEKTUAL MULK SOHASINI”, иккинчи сатрда “RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN”, учинчи сатрда “HISSASI UCHUN” (катта ҳарфларда, “Times New Roman Bold” шрифти, 14 кегль), тўртинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi” (кичик ҳарфларда, “Times New Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда “Vazir” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

QMMB: 09/26/471/0903-son
07.09.2026-y.

“Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони гувоҳномаси





GUVOHNOMA №_____

_____
(familiyasi)

_____
(ismi)

_____
(otasining ismi)

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining

20__ y. “___” _____ dagi

_____-sonli buyrug‘iga asosan

“INTELLEKTUAL MULK SOHASINI RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN HISSASI UCHUN”
ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi

Vazir





БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

QMMB: 10/26/2767-1/0886-son
04.09.2026-y.

35 (1263)-son
891-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2767-1
2026 - yil 03 - Sentabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

“Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматчилари пул таъминотининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкида очилган омонат ҳисобварақларига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда акциядорлик тижорат Халқ банки билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Mudofaa vaziri
2026-yil 7-avgust
29-son

XALMUXAMEDOV SHUXRAT GAYRATDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
2026-yil 30-iyul
10507-son

ISHMETOV TIMUR AMINDJANOVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 29-iyun		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
Xalq banki Boshqaruv Raisi 2026-yil 18-iyun		ATABAYEV SHUHRAT XALDAROVICH

QMMB: 10/26/2767-1/0886-son
04.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа
вазирлигининг 2026 йил 7 августдаги 29-сон
ва Марказий банки бошқарувининг 2026 йил
30 июлдаги 10507-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 16 февралдаги 1, 338-В-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматчилари пул таъминотининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкида очилган омонат ҳисобварақларига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2767, 2016 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 10-сон, 100-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 15-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 3313, 2021 йил 28 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон) илованинг 321-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 13 августдаги 18-мҳ-сон “Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 3552, 2024 йил 15 август) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.08.2024 й., 10/24/3552/0630-сон) илованинг 64-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3581-2
2026 - yil 03 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 9-noyabrdagi 34/5-son qarori (ro‘yxat raqami 3581, 2024-yil 10-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 13.12.2024-y., 10/24/3581/1020-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki raisi
2026-yil 11-avgust
23/2-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

QMMB: 10/26/3581-2/0887-son
04.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 11-avgustdagi
23/2-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan to‘lovlar uzluksizligi va bank tizimi barqarorligini ta’minlash maqsadida tijorat banklarining, shu jumladan mikromoliya banklarining, shuningdek islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklar va mikromoliya banklarining (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar (bundan buyon matnda kredit deb yuritiladi) ajratish hamda islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“islomiy bank faoliyati – banklar va bank faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilikka hamda islomiy moliya standartlariga muvofiq amalga oshiriladigan bank faoliyati;

islomiy moliya standartlari – islomiy moliyalashtirishni amalga oshirish standartlarini belgilovchi xalqaro tashkilotlarning qoidalariga hamda milliy qonunchilikka muvofiq Markaziy bank va (yoki) boshqa vakolatli organ tomonidan qabul qilingan islomiy moliyaga oid qoidalar to‘plami;

islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish – islomiy moliya standartlariga muvofiq Markaziy bank tomonidan islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklarga taqdim etiladigan moliyaviy yordam shakli.”.

3. 2-bandda:

birinchi xatboshi “kredit taqdim etishi” degan so‘zlardan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishi” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

beshinchi xatboshi “kredit olish” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

4. Quyidagi mazmundagi 2^1-band bilan to‘ldirilsin:

“2^1. Markaziy bank islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklarning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanadi.”.

5. 3-band “Markaziy bank tomonidan kredit” degan so‘zlardan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish mablag‘i” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

6. Quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan to‘ldirilsin:

“3^1. Islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklarning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirilganda islomiy moliya standartlariga muvofiq moliyalashtirish shartlari (ustama yoki foydadan olinadigan ulush, moliyalashtirishning maksimal miqdori va h.k.) Markaziy bank boshqaruvining qarori bilan belgilanadi.”.

7. 8-band “Kredit” degan so‘zdan keyin “va islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

8. 9-banddagi “kreditni” degan so‘z “kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish mablag‘ini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 2-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2-bob. Bankning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha murojaat qilish tartibi”.

10. 10 va 11-bandlar “kredit olish” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

11. 12-bandning ikkinchi xatboshisi “kredit olish va” degan so‘zlardan keyin “(yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanish hamda” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

12. 14-band “kreditdan” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

13. 3-bobning nomidagi “Kredit bo‘yicha garov” degan so‘zlar “Garov” degan so‘z bilan almashtirilsin.

14. Quyidagi mazmundagi 16^1-band bilan to‘ldirilsin:

“16^1. Markaziy bank tomonidan banklarga islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish taqdim etilganda garov predmeti sifatida islomiy moliya standartlari talablariga hamda Markaziy bank boshqaruvining qarorida belgilangan boshqa talablarga muvofiq keladigan aktivlar qabul qilinadi.”.

15. 4-bobning nomidagi “Kredit” degan so‘z “Bankning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

16. 20 va 21-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Markaziy bank bankning kredit olish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha so‘rovnomasini u kelib tushgan kundan boshlab 3 bank ish kuni ichida ko‘rib chiqadi hamda kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish yoki uni rad etish to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

21. Markaziy bank bankning so‘rovnomasini ko‘rib chiqishda:

bankning holatini baholashni;

bank tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni tahlil qilishni;

bankning garov predmetini baholashni;

bankka taqdim etiladigan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishning miqdorini aniqlashni;

mazkur Nizomda belgilangan boshqa talablar, jumladan islomiy moliya standartlari talablari bajarilishini tekshirishni amalga oshiradi.”.

17. 25-bandning ikkinchi xatboshisi, 57 va 63-bandlar “kredit” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

18. 28 va 50-bandlardagi “kreditning” degan so‘z “kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishning” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 5-bobning nomidagi “Kreditni taqdim etish” degan so‘zlar “Bankning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. 29-37-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Bankning kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish ajratish to‘g‘risidagi so‘rovnomasini ko‘rib chiqish natijasi bo‘yicha bankka kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish ajratish yoki uni rad etish to‘g‘risida Markaziy bank boshqaruvining qarori qabul qilinadi.

30. Markaziy bank tomonidan quyidagi hollarda bankka kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishni rad etish to‘g‘risida qaror qabul qilinadi:

Markaziy bank tomonidan bankning holatini baholashda mazkur Nizomning 22-bandida belgilangan to‘lovga qobiliyatli va barqaror bank mezonlariga muvofiq kelmasligi aniqlanganda;

bank tomonidan kredit olish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanish uchun mazkur Nizomning 11 va 12-bandida nazarda tutilgan hujjatlar to‘liq taqdim etilmaganda;

bank tomonidan garov predmeti sifatida mazkur Nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo‘lgan maqbul aktivlar taqdim etilmasa;

kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha so‘rovnoma yuborilgan sanadan oldingi uch oylik davr mobaynida bankka aloqador shaxslar uchun kredit tavakkalchiligining bank birinchi darajali kapitaliga nisbatining eng ko‘p miqdoridan oshganligi yoki so‘rov yuborilgandan keyingi davrda bankka aloqador shaxslarga kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish amalga oshirilganligi aniqlansa;

likvidlilik taqchilligi sabablari, kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanish zaruriyati, garov manbalari, likvidlilikni jalb qilish bo‘yicha boshqa manbalardan foydalanish imkoniyati yo‘qligi, likvidlilikni tiklash rejasi bo‘yicha pul oqimlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar va prognozlar asoslantirilmagan bo‘lsa;

Markaziy bank tomonidan kreditni taqdim etish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish pul-kredit siyosatini amalga oshirishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi deb baholansa;

mazkur Nizomda belgilangan boshqa talablar buzilganligi aniqlansa.

31. Mazkur Nizomning 30-bandida ko‘rsatilgan bankka kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishni rad etish to‘g‘risida qaror qabul qilish uchun asoslar mavjud bo‘lmaganda, Markaziy bank boshqaruvi tomonidan bankka kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish to‘g‘risida qaror qabul qilinadi.

32. Kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish to‘g‘risidagi qarorda quyidagilar belgilanadi:

kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishning maksimal miqdori;

kreditni taqdim etish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish muddati;

kreditning foiz stavkasi;

islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha ustama, foydadan olinadigan ulush va boshqa daromadlar miqdori;

garov ta’minoti sifatida qabul qilingan maqbul aktivlar ro‘yxati;

Markaziy bank boshqaruvi tomonidan belgilanadigan boshqa shartlar.

33. Markaziy bank tomonidan kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish yoki uni rad etish to‘g‘risida qaror qabul qilingan kundan kechiktirilmasdan bu haqida bankka xabar qilinadi.

Bunda, kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha qaror qabul qilinganda Markaziy bank garov predmeti sifatida qabul qilingan maqbul aktivlar to‘g‘risidagi ma’lumotni bankka mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq yozma yoki elektron shaklda yuboradi.

34. Markaziy bank tomonidan bankka kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish to‘g‘risida qaror qabul qilinganda, Markaziy bank bilan bank o‘rtasida qonunchilikda belgilangan tartibda kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish hamda garov shartnomalari rasmiylashtiriladi.

35. Kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish hamda garov shartnomalari Markaziy bank va bankning vakolat berilgan shaxslari tomonidan imzolanadi.

36. Markaziy bank tomonidan bankka kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishni taqdim etish, qaytarish va ularga hisoblangan foiz va (yoki) olingan foyda bo‘yicha to‘lovlarni amalga oshirish Markaziy bankning Integrallashgan axborot tahliliy tizimi orqali avtomatlashtirilgan tarzda amalga oshiriladi.

37. Bank kredit ajratilganidan va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirgandan so‘ng har kuni kunlik pul oqimlari hisobotini mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Markaziy bankka taqdim etib boradi.”.

21. Quyidagi mazmundagi 37^1-band bilan to‘ldirilsin:

“37^1. Likvidlilikni favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish taqdim etilganda, bankning ijroiya organiga mazkur

moliyalashtirish to‘liq so‘ndirilgunga qadar uning islomiy moliya standartlariga muvofiqligini ta’minlash majburiyati yuklatiladi.

Bankning islomiy moliya masalalarini muvofiqlashtiruvchi islomiy moliya kengashi mazkur moliyalashtirish to‘liq so‘ndirilgunga qadar uning islomiy moliya standartlariga muvofiqligi ustidan doimiy nazoratni amalga oshiradi.”.

22. 40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha garov predmetining qiymati xorijiy valyutada bo‘lgan hollarda, ushbu aktivlar bo‘yicha hisob-kitoblar kredit taqdim etilgan va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirilgan kundagi Markaziy bankning rasmiy almashuv kursi bo‘yicha amalga oshiriladi.”.

23. 42-banddagi “kreditlar” degan so‘z “aktivlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

24. 43-bandning uchinchi xatboshisi “kredit” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

25. 45-banddagi “kreditning joriy qoldig‘i va hisoblangan foiz” degan so‘zlar “kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishning joriy qoldig‘i va kredit bo‘yicha hisoblangan foiz” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

26. 47 va 48-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish muddati davomida ajratiladigan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish miqdorining ortishi va garov sifatida olingan aktivlar risk darajasining o‘zgarishi natijasida Markaziy bank garov predmeti sifatida qo‘shimcha aktivlarni talab qilishi mumkin.

48. Markaziy bank bank tomonidan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanish davrida belgilangan shartlarga, jumladan islomiy moliya standartlari talablariga rioya etilishini o‘rganish hamda taqdim qilingan ma’lumotlarning to‘g‘riligini baholash maqsadida masofaviy va zarur hollarda, joyiga chiqqan holda qo‘shimcha tekshirishlar o‘tkazishi mumkin.”.

27. 8 va 10-boblarning nomlari hamda 54-band “Kredit” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

28. 49-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. Bank ikki haftalik muddatning oxiriga qadar kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha majburiyatlarini to‘liq yoki qisman bajara olmasa va (yoki) yana qo‘shimcha kredit olish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish zarurati mavjud bo‘lsa, ushbu muddat tugashidan kamida uch bank ish kuni oldin kreditni ikki haftagacha bo‘lgan muddatga uzaytirish to‘g‘risida Markaziy bankka takroran so‘rovnoma yuboradi.”.

29. 51-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“51. Bank tomonidan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish shartlari va likvidlilikni tiklash rejasiga rioya qilingan taqdirda, kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish Markaziy bank boshqaruvining qarori asosida yana ikki haftagacha bo‘lgan muddatga uzaytirilishi mumkin.

Bunda, bank kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha majburiyatlarini to‘liq yoki qisman bajara olmasa va (yoki) qo‘shimcha kredit olish zarurati mavjud bo‘lsa, kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish dastlabki taqdim etilgan sanadan boshlab olti oygacha bo‘lgan muddatga qadar takroran taqdim etilishi mumkin.”.

30. 52-band “kredit” degan so‘zdan keyin “va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

31. 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Markaziy bank tomonidan bankning kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish muddatini uzaytirish haqidagi so‘rovnomasi mazkur Nizomga muvofiq kredit ajratish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish uchun belgilangan umumiy asoslarda va muddatlarda ko‘rib chiqiladi.”.

32. Quyidagi mazmundagi 54^1-band bilan to‘ldirilsin:

“54^1. Islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish shartlari va u bo‘yicha garov predmetlariga o‘zgartirishlar kiritish hamda moliyalashtirish muddatini uzaytirish Markaziy bankning islomiy moliya kengashi tomonidan ma’qullangan bo‘lishi kerak.”.

33. 9-bobning nomi “kredit va” degan so‘zlardan keyin “(yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish hamda” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

34. 55 va 56-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“55. Kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha majburiyatlarni bajarish muddati kelganda, bank ushbu kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha asosiy qarz va tegishli kredit bo‘yicha foiz to‘lovlarini, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to‘lovlarni Markaziy bankka qaytaradi.

56. Bank kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha olingan mablag‘larni muddatidan oldin qaytarishi mumkin. Bunda, kredit bo‘yicha foiz to‘lovlari va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan olingan daromadlar haqiqatda foydalanilgan davr uchun hisoblanadi.”.

35. 58–61-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“58. Bank kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan foydalanib bo‘lgach hamda kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha barcha majburiyatlarini to‘liq bajarganidan so‘ng takroran kredit olish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish uchun Markaziy bankka so‘rovnoma bilan murojaat qilishi mumkin.

59. Markaziy bank quyidagi hollarda kredit taqdim etish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishni to‘xtatishga haqli:

likvidlilikni tiklash rejasida nazarda tutilgan chora-tadbirlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda;

noto‘g‘ri hisobotlar taqdim etilganda;

kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirishdan likvidlilikni tiklash rejasi hamda pul oqimlari prognoziga muvofiq foydalanilmaganda;

garov predmetini almashtirish va (yoki) qo‘shimcha garov shakllantirish shartlariga rioya qilinmaganda;

bank tomonidan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha to‘lovlar o‘z vaqtida amalga oshirilmaganda;

Markaziy bank tomonidan bankning kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish muddatini uzaytirish to‘g‘risidagi so‘rovnomasi rad etilganda;

bank tomonidan kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish shartnomasi va (yoki) garov shartnomasining boshqa talablariga rioya qilinmaganda.

60. Markaziy bank tomonidan kredit taqdim etish va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish to‘xtatilganda, bank ushbu kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha barcha majburiyatlarni Markaziy bankka qaytarishi shart.

61. Bank kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha barcha majburiyatlarni to‘liq qaytarish imkoniyatiga ega bo‘lmasa, Markaziy bank bankning majburiyatlari bo‘yicha undiruvni quyidagi tartibda amalga oshiradi:

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq banklarning majburiyatlarini undirishda ustuvor huquqdan foydalanish;

qonunchilikda belgilangan tartibda va shartlarda undiruvni garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarga qaratish;

bankning Markaziy bankdagi barcha pul mablag‘lari bo‘yicha talablari va uning kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha majburiyatlariga nisbatan nettingni qo‘llash.”.

36. 66-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“66. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarni sotishdan kelib tushgan pul mablag‘lari kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha asosiy qarz hamda kredit bo‘yicha tegishli foiz to‘lovlari, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to‘lovlar miqdoridan kam bo‘lgan taqdirda, bank yetishmayotgan mablag‘ni kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish shartnomasi shartlariga muvofiq Markaziy bankka to‘lab berishi lozim.”.

37. 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarni sotishdan kelib tushgan pul mablag‘lari kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish bo‘yicha asosiy qarz hamda kredit bo‘yicha tegishli foiz to‘lovlari, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to‘lovlar miqdoridan oshgan hollarda, Markaziy bank ortiqcha mablag‘larni kredit va (yoki) islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirish shartnomasi shartlariga muvofiq bankka qaytaradi.”.

38. 1-ilovaning oltinchi xatboshisi “kredit ajratilishida” degan so‘zlardan keyin “(islomiy moliya vositalari orqali moliyalashtirilishida)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3606-1
2026 - yil 04 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH AGENTLIGI
DIREKTORINING
BUYRUG‘I

“Qiyoslashdan oʻtkazilishi lozim boʻlgan oʻlchash vositalari turkumlarining roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 16-fevraldagi PF–25-son “Texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi islohotlarni ilgʻor xalqaro amaliyot asosida jadallashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oʻzbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2025-yil 7-yanvardagi 78-son “Qiyoslashdan oʻtkazilishi lozim boʻlgan oʻlchash vositalari turkumlarining roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 3606, 2025-yil 10-fevral) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 11.02.2025-y., 10/25/3606/0126-son) o‘z kuchini yo‘qotgan dep topilsin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil hamda Oʻzbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq 2027-yil 1-yanvardan eʼtiboran kuchga kiradi.

Direktor birinchi o'rinbosari
02-Sentabr 2026-yil
69–son son

SAIDORIPOV LAZIZBEK
FURKATJANOVICH

Kelishildi:

Rais
20-Avgust 2026-yil

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini
himoya qilish boʻyicha vakil
14-Avgust 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

35 (1263)-son
894-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3932
2026 - yil 04 - Sentabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2026 йил 17 апрелдаги ПФ–63-сон “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining o'rinbosari - Departament boshlig'i
18-Avgust 2026-yil
29-son

XATAMOV JAXONGIR JURAYEVICH

Kelishildi:

Rais
20-Iyul 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
16-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
бошлиғининг 2026 йил 18 августдаги 29-сон буйруғига
ИЛОВА

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) томонидан алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тадбиркорлик субъекти – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув – тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини текшириш учун керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали Инспекция ваколати доирасида ўтказиладиган назорат тадбири;

“Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими – Инспекция томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш электрон тизими.

2. Инспекция томонидан “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Минимал талабларга зид бўлган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга асос бўлмайди.

3. Ишлаб чиқилган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими асосида аниқланган ҳуқуқбузарлик хавфи қай даражада бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектига нисбатан таъсир чораларини қўллашга асос бўла олмайди.

2-боб. Хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар

4. Тадбиркорлик субъектининг қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-ҳаракатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Хавф даражасининг таҳлили қуйидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилади:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектларини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектларининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

6. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

7. Назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

3-боб. Хавф даражалари таснифи ва уларни мезонлашга доир талаблар

8. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган мазкур Низомнинг 1–7-иловаларида кўрсатилган асосий кўрсаткичларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мувофиқлигини “балл” тизими асосида баҳолаш орқали амалга оширилади.

9. Хавф даражасини баҳолаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимига киритилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Пиво ва пиво ичимликларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Алкоголь маҳсулотларининг (маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти

томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ Тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ Пиво ва пиво ичимликлари улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг хавф даражаси мазкур бандниng иккинчи–саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган кўрсаткичлар бўйича “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида автоматик равишда алоҳида аниқланади.

10. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст, ўрта ва юқори даражаларга таснифланади.

Бунда баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи қуйидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавф даражаси юқори – баҳолаш натижалари бўйича 81 баллдан 100 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси ўрта – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллдан 81 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси паст –баҳолаш натижалари бўйича 61 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари.

11. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ҳамда текширувларни ўтказиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни

таҳлил этиш” тизимларига Қўйиладиган минимал талаблар асосида амалга оширилади.

12. Хавф даражаси паст бўлган тадбиркорлик субъекти фаолиятида текширувлар ўтказилмайди.

4-боб. Якуний Қоидалар

13. Хавфни таҳлил Қилиш натижаларидан норози бўлган тадбиркорлик субъектлари Қонунчиликда белгиланган тартибда юҚори турувчи органга ёки судга шикоят Қилишга ҲаҚли.

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Истеъмол ва техник этил спирти маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилмаганлиги	50	
2.	Ишлаб чиқариш хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ҳамда экология талаблари ва нормаларига риоя этилмаганлиги	10	
3.	Ишлаб чиқариш лабораториясининг мавжуд эмаслиги, шунингдек лабораторияни зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар ва зарурий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги	10	
4.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ истеъмол ва техник этил спирти савдоси қоидаларига риоя қилинмаганлиги	15	
5.	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун зарур гувоҳномалар, мувофиқлик сертификатлари, технологик йўриқномаларнинг ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги	15	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо қоидаларига риоя этилмаганлиги	40	
2.	Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларга риоя этилмаганлиги	30	
3.	Хомашё ресурслари сарфланиши бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	12	
4.	Ёнғин хавфсизлиги, санитария, экология, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда лаборатория қоидаларига риоя этилмаганлиги	10	
5.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	8	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Пиво ва пиво ичимликларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ пиво ва пиво ичимликлари савдоси қоидаларига риоя этилмаганлиги	40	
2.	Пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқаришда қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларга риоя этилмаганлиги	30	
3.	Хомашё ресурслари сарфланиши бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	12	
4.	Ёнғин хавфсизлиги, санитария, экология, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда лаборатория қоидаларига риоя этилмаганлиги	10	
5.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	8	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

QMMB: 10/26/3932/0897-son
07.09.2026-y.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо қоидаларига риоя этилмаганлиги	40	
2.	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларга риоя этилмаганлиги	30	
3.	Хомашё ресурслари сарфланиши бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	12	
4.	Ёнғин хавфсизлиги, санитария, экология, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда лаборатория қоидаларига риоя этилмаганлиги	10	
5.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	8	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Алкоголь маҳсулотларининг (маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилишихавфини аниқлаш

КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо қоидаларига риоя этилмаганлиги	50	
2.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	31	
3.	Алкоголь маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	11	
4.	Алкоголь маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бинога эгалик қилмаганлиги	5	
5.	Алкоголь маҳсулотларини реализация қилишга доир чекловларга риоя қилинмаганлиги	3	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо қоидаларига риоя этилмаганлиги	70	
2.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	10	
3.	Маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	12	
4.	Тамаки маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бинога эга эмаслиги	5	
5.	Тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишга доир чекловларга риоя қилинмаганлиги	3	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Пиво ва пиво ичимликлари улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш

КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо қоидаларига риоя этилмаганлиги	70	
2.	Корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги	10	
3.	Маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича белгиланган меъёрларга риоя этилмаганлиги	12	
4.	Ёнғин хавфсизлиги, санитария, экология, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилмаганлиги	5	
5.	Пиво маҳсулотларини реализация қилишга доир чекловларга риоя қилинмаганлиги	3	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

35 (1263)-сон
895-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3934
2026 - yil 05 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining 2026-yil 22-iyundagi O‘RQ–1155-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini oshirishga, korrupsiyaga oid jinoyatlar uchun javobgarlik muqarrarligini ta’minlashga qaratilgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi agentligi hamda O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Ushbu buyruqqa ilovaning 3-bandi 2026-yil 10-oktabrdan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
26-Avgust 2026-yil
102-son

BURXANOV AKMAL
ESHONDEDAYEVICH

Kelishildi:

Rais 25-Avgust 2026-yil		RAFIKOV KUDRATULLA MIRSAGATOVICH
Direktor v.b. 20-Avgust 2026-yil		XUSAINOV ULUG‘BEK SHUXRATJONOVICH
Vazir 19-Avgust 2026-yil		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Raisning birinchi o‘rinbosari 18-Avgust 2026-yil		ABDULLAYEV MEHRIDDIN RAZZOQOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi
direktorining 2026 yil 26-avgustdagi 102-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2023-yil 11-martdagi 54-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3425, 2023-yil 13-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 13.03.2023-y., 10/23/3425/0138-son) bilan tasdiqlangan Davlat fuqarolik xizmatchisi tomonidan xizmat safarlari, xalqaro va boshqa rasmiy tadbirlar munosabati bilan olinishi mumkin bo‘lgan sovg‘a qiymati, shuningdek uni tasarruf etish tartibi to‘g‘risidagi nizomda:

1) 7-bandning to‘rtinchi xaboshisidagi “korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘linmasi” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 11-bandning ikkinchi xaboshisidagi “korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘linmasini” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 18-bandida:

birinchi xaboshidagi “korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘linmasini” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xaboshidagi “korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘linmasi” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2026-yil 15-apreldagi 90-son “Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘ida (ro‘yxat raqami 3835, 2026-yil 18-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 19.05.2026 y., 10/26/3835/0507-son):

1) nomi va 1-banddagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) Nizomda:

nomidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

muqaddimadagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari rahbarlari va xodimlarining (bundan buyon matnda ichki nazorat boʻlinmalari xodimlari deb yuritiladi)” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari rahbarlari va xodimlarining (bundan buyon matnda ichki nazorat tuzilmalari xodimlari deb yuritiladi)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

1–4-bandlar, 2-bobning nomi, 6-band, 4-bobning nomi, 25-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari, 27-band, 32-bandning birinchi xatboshisidagi “Ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “Ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilardagi “Ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “Ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3-bobning nomidagi “Ichki nazorat boʻlinmalarining” degan soʻzlar “Ichki nazorat tuzilmalarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

7-band, 54-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari, 56 va 57-bandlardagi “ichki nazorat boʻlinmasi” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9-bandda:

birinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” va “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat” degan soʻzlar tegishli ravishda “ichki nazorat tuzilmalari” va “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilardagi “ichki nazorat boʻlinmalarining” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalarining” va “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalarida” degan soʻzlar tegishli ravishda “ichki nazorat tuzilmalarining” va “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Davlat organlari va tashkilotlarining ichki nazorat tuzilmasi xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning kelgusida ushbu tashkilotning ichki nazorat tuzilmasidagi lavozimi oʻzgarganda (hududiy boʻlinma va tarkibiy tashkilotlardan davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi ichki nazorat tuzilmalariga ishga oʻtganda), shu jumladan, ushbu xodimlar davlat organlari va tashkilotlari qayta tashkil etilishi yoki tashkiliy boʻysunuvi oʻzgarishi munosabati bilan ichki nazorat tuzilmasi masʼul lavozimlariga tayinlanganda yoxud boshqa davlat organi yoki tashkilotining ichki nazorat tuzilmasi xodimi lavozimiga ishga oʻtganida qayta stajirovkadan oʻtishi talab etilmaydi.”;

11-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari, 29-bandning toʻrtinchi xatboshisidagi “ichki nazorat boʻlinmalarining” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

26-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilardagi “Ichki nazorat boʻlinmasi” degan soʻzlar “Ichki nazorat tuzilmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalarida” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

30-bandning birinchi xatboshisi, 36-bandning ikkinchi xatboshisidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

31-bandda:

birinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “ichki nazorat boʻlinmalari xodimlariga” degan soʻzlar “ichki nazorat tuzilmalari xodimlariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

43-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari” degan so‘zlar “ichki nazorat tuzilmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

50-bandning birinchi xatboshisidagi “Ichki nazorat bo‘linmasining” degan so‘zlar “Ichki nazorat tuzilmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

51-bandning birinchi xatboshisi va 59-banddagi “Ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar “Ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

52-bandning to‘rtinchi va beshinchi xatboshilaridagi “Ichki nazorat bo‘linmasi” va “ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar tegishli ravishda “Ichki nazorat tuzilmasi” va “ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

54-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari, 56 va 57-bandlardagi “ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar “ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

Ilovada:

ilova belgisidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

matnidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2026-yil 16-iyundagi 97-son “Davlat organi yoki tashkilotida mehnat shartnomasi tugatilgan yoki xizmatdan bo‘shatilgan xodimni o‘zi nazoratni amalga oshirgan tashkilotlarga ishga qabul qilishda korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasidan xulosa olish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘ida (ro‘yxat raqami 3894, 2026-yil 8-iyul) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.07.2026 y., 10/26/3894/0711-son):

1) nomi va 1-banddagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasidan” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasidan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) Nizomda:

nomi va muqaddimadagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasidan” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasidan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2-bobning nomi, 7-band, 11-bandning birinchi xatboshisidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasi” degan soʻzlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4-bandda:

birinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasiga” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi va toʻrtinchi xatboshilardagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasining” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5-bandda:

birinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasi” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasining” degan soʻzlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasining” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6-bandning birinchi xatboshisidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasining” degan soʻzlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

12-bandda:

birinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasi” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari” degan soʻzlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3 va 4-boblarning nomidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasining” degan soʻzlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

13-bandda:

birinchi, uchinchi va o‘n birinchi xatboshilardagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasining” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi, oltinchi va o‘ninchi xatboshilardagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n ikkinchi xatboshidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasining” degan so‘zlar “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15-banddagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16 va 18-bandlardagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasining” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

20-banddagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalarining” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

Ilovada:

ilova belgisidagi “korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasidan” degan so‘zlar “komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasidan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

matnidagi “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasining” va “Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmasi” degan so‘zlar tegishli ravishda “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasining” va “Komplayens va korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.